

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ИҚТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Факултет декани _____
доцент Комолов Х.Х.
«__» май 2015 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
кафедра мудири _____
доцент Шерматов О, А.
«____» май 2015 й.

*Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
Зайлобиддинов Қодирбек Низомиддин ўғлининг*

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

***Мавзу: Избоскан туманидаги “Сайфуддин олтин
даласи” фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан
фойдаланиш самарадорлигини ошириш.***

*БМИ раҳбари:
Бажарувчи:*

*профессор О.Зокиров.
Қ.Н.Зайлобиддинов*

Андижон – 2015йил.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА
БОШҚАРУВ КАФЕДРАСИ

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг муdiri
доцент Шерматов О, А. _____
«15» сентябрь 2014 й.

Иқтисодиёт таълим йўналишининг битирувчиси
Зайлобиддинов Қодирбек Низомиддин ўғлига
битирув малакавий ишени бажариш учун

ТОПШИРИҚ

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси:** институт ректорининг «10» сентябрь 2014 йилдаги 275-Ст- сонли буйруғи билан тасдиқланган.
- 2. БМИ мавзуси:** Избоскан туманидаги “Сайфуддин олтин даласи” фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.
- 3. Битирув малакавий ишени тугатиш вақти:** « 8 » май 2015 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши.** Кириш, 3 та бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.
- 5. Битирув малакавий ишени бажариш учун керакли маълумотлар.** Аграр ислохотларни чуқурлаштиришга оид бўлган ҳуқуқий қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мавзуга оид адабиётлар, интернет манбалари, ҳамда БМИ объекти бўйича 2012-2014 йиллар учун ишлаб чиқаришининг иқтисодий кўрсаткичлари, бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлар.
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 10-12 та жадвалларни тайёрланиши кўзда тутилган бўлиб, улардан камида 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

<i>Битирув малакавий ишининг асосий саволлари</i>	<i>Бажарилиши муддатлари</i>	<i>БМИ рахбарнинг Ф.И.Ш</i>	<i>Имзо</i>
<i>Кириш</i>	10.11.2014	Профессор О.Зокиров	
<i>1 Боб. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш назарий услубий асослари.</i>			
<i>1.1 Меҳнат ресурслари ва салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари.</i>	10.12.2015	Профессор О.Зокиров	
<i>1.2 Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий асослари</i>	12.01.2015	Профессор О.Зокиров	
<i>1.3 Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини аҳамияти ва уларни шаклланиши.</i>	10.02.2015	Профессор О.Зокиров	
<i>2 Боб. Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлили.</i>			
<i>2.1 Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ - иклим шароити.</i>	16.03.2015	Профессор О.Зокиров	
<i>2.2 Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлили .</i>	6.04.2015	Профессор О.Зокиров	
<i>3 БОБ. Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.</i>			
<i>3.1 Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари</i>	23.04.2015	Профессор О.Зокиров	
<i>3.2 Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.</i>	27.04.2015	Профессор О.Зокиров	
<i>Хулоса ва таклифлар</i>	2.05.2015	Профессор О.Зокиров	
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>	6.05.2015	Профессор О.Зокиров	

Топирик берилган вақти:
 БМИ рахбари:
 Битирувчи:

10 ноябрь 2014 йил.
 Профессор О.Зокиров
 Қ.Н. Зайлобиддинова

М у н д а р и ж а

<i>№</i>	<i>Мазмуни</i>	<i>бетлар</i>
	<i>Кириш</i>	<i>5-12</i>
<i>1-БОБ.</i>	<i>Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш назарий услубий асослари.</i>	<i>13-42</i>
<i>1.1.</i>	<i>Меҳнат ресурслари ва салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари.</i>	<i>13-23</i>
<i>1.2</i>	<i>Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишнинг назарий асослари</i>	<i>24-33</i>
<i>1.3.</i>	<i>Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини аҳамияти ва уларни шаклланиши.</i>	<i>34-42</i>
<i>2-БОБ.</i>	<i>Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлили.</i>	<i>43-68</i>
<i>2.1.</i>	<i>Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ - иклим шароити.</i>	<i>43-50</i>
<i>2.2.</i>	<i>Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлили.</i>	<i>51-68</i>
<i>3-БОБ.</i>	<i>Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.</i>	<i>69-81</i>
<i>3.1.</i>	<i>Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари</i>	<i>69-76</i>
<i>3.2.</i>	<i>Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.</i>	<i>77-80</i>
	<i>Хулоса ва таклифлар</i>	<i>81-83</i>
	<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</i>	<i>84-93</i>

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён ўтган давр мобайнида халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган қишлоқ хўжалигида кенг миқёсда иқтисодий ислохотлар амалга оширилди ва бу жараён ўзининг янги иқтисодиётни эркинлаштириш босқичига кириб бормоқда. Ислохотлар жараёнида соҳада турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шакллари вужудга келди ва фаолият юритмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми нодавлат сектор – ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан етиштирилмоқда. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг истиқболи шу хўжаликлар фаолиятига самараси билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Деҳқон ва фермерларимизнинг мардонавор меҳнати, замонавий агро-технологияларни жорий этиш ҳисобидан 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди. Ўтган даврда бу борада қўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир.

Қишлоқ хўжалигида ресурслардан самарали фойдаланиш бошқа соҳалардан тубдан ажралиб туради ва ўзига хос хусусиятларга эга:

- ресурсларнинг самарадорлиги бевосита иқлим ва биологик жараёнларга боғлиқ ва ўзининг табиий қонунлари асосида амалга ошади;
- айрим турдаги ресурслар (масалан, ер)ни жойдан-жойга кўчириб бўлмайди ва қайта тикланиши қийин;

- ресурслардан фойдаланиш бевосита тирик организм (ўсимликлар ва чорва ҳайвонлари) билан боғлиқ;
- сарф қилинган ресурслар йил давомида бир марта маҳсулот сифатида қайтади;
- бир турдаги ресурснинг самараси иккинчи турдаги ресурс билан боғлиқ;
- ҳар бир турдаги ресурслар маълум вақтда ва маълум миқдордагина ишлатилганида юқори самара беради.

Яна бир томони, республикамиз қишлоқ хўжалигида ресурслар самарадорлигини ошириш технологиясига ўтишнинг ривожланган мамлакатлардаги жараёнга нисбатан бир қатор хусусиятлар билан ажралиб туради. Жумладан:

- мамлакат қишлоқ хўжалигини индустрлаштириш давридаги технологик базанинг издан чиққанлиги;
- ўтиш даврида фан-техника ютуқларини жорий қилиш, иқтисодиёт, ижтимоий ва экологик вазиятнинг ёмонлашгани;
- соҳани экстенсив ривожлантиришнинг барча ресурслари ишлатиб бўлинганига ва фақат интенсив равишдагина ривожланиш мумкинлиги.

Меҳнат ресурслари мамлакат аҳамиятининг ўз руҳий, фидокорлик ва ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган меҳнатга лаёқатли қисмидир.

«Бу тарифдан шу нарса келиб чиқадики, меҳнат ресурслари иқтисодиётда меҳнат билан банд, банд бўлмаса ҳам меҳнат қилишлари мумкин бўлган кишиларни ҳам қамраб олади»¹. Меҳнат ресурсларини тўлдириб туриш мамлакат аҳолиси сонининг ўсиши натижасида рўй беради. Шу ўринда Ўзбекистон аҳолиси сонининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини қайд этиш муҳимдир. Мазкур ўсишнинг асосий омилларидан бири сифатида туғилиш даражаси ҳисобланади.

1 Қ.Х. Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Тошкент. Меҳнат—2004. 205 б.

Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг табиий-иқтисодий ресурслар ва манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат Кодекси»нинг 1-боб 8-моддасида меҳнатнинг улуғворлиги тўғрисида шундай дейилган: «Ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади». Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларининг манбалари инсон меҳнати ҳисобланади. Инглиз иқтисодчиси У.Петти XVII асрда меҳнатни бойликнинг отаси деб атаган. Иқтисодчилар меҳнатни кишилиқ ҳаётининг асосий шарти эканлигини ва инсоннинг ўзининг ҳам камолотга етишуви меҳнат орқали амалга ошганлигини айтиб ўтган. Меҳнат – бу инсоннинг мақсадли фаолияти бўлиб, бу жараёнда у табиат предметларини ўзининг эҳтиёжларини қондириш учун мослаштиради ва ўзгартиради. Ўз кучини қўшгани ҳолда инсон, меҳнат қуролларидан фойдаланиб, табиат берган материалларни, кишиларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган моддий неъматларга, бойликларга айлантиради.

Ҳозирги кунда меҳнат ресурсларининг асосий қисми қишлоқ жойларда шаклланаётган бўлиб, меҳнат қилишга қобилиятли аҳоли йилига ўртача 300-312 минг кишига ошмоқда. Бу аъёна яқин 10 йил давомида сақланиб қолишини башорат қилиш мумкин. Шунинг учун меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш устида иш олиб боришимиз зарур. Шунини таъкидлаш лозимки, меҳнат ресурси самарадорлиги кўп жиҳатдан меҳнатни рағбатлантириш, меҳнат мотивациясига боғлиқ.

Бошқача қилиб айтганда, меҳнат ресурсларининг самарадорлигини оширишда ижтимоий омил муҳим роль ўйнайди. Бу ерда меҳнатга ҳақ тўлаш ёки даромаднинг ошишини назарда тутиш керак. Бу масала деҳқон меҳнатининг қадрланиши ёки ишлаб чиқаришнинг микродаражадаги самарасигина бўлиб қолмасдан, балки иқтисодий – ижтимоий масалани ҳам ҳал қилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, иқтисодий ислохотлар даврида қишлоқ

хўжалигида ўртача иш ҳақи 8 маротабага камайган. Бу эса ўз навбатида кишиларни ишга бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатмоқда ва қишлоқдан меҳнат ресурсини бошқа соҳага кетишини тўхтатиб қолиш бир муаммо бўлса, иккинчи томондан иш ҳақининг камайиши қишлоқ аҳолисини маҳсулот харид қилиш имкониятининг пасайиши ва оқибатда ички бозордаги товар айланишининг пасайишига олиб келмоқда. Демак, ҳар бир ресурс, шу жумладан, меҳнат ресурсидан ҳам самарали фойдаланиш учун маълум даражада шароит яратилиши зарур. Жумладан, ер ресурси самарадорлиги тупроқ унумдорлиги, сув ресурси суғориш технологияси, минерал ўғитларнинг вақтида ва меъёрида берилиши, техникада тракторлар билан унга тиркаб ишлатиладиган механизмлар комплекси мувозанатини таъминлашни келтириш мумкин.

«Меҳнат унумдорлигини ортириш натижасида 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди. Иқтисодиёт соҳасида изчил амалга ошираётган ана шундай чора-тадбирларимиз ўзининг юксак самарасини бермоқда.

Иқтисодиётимизнинг жадал ва мутаносиб ривожланиб бораётгани аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини изчил ошириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар ҳажми ўтган йили 23,2 фоизга ошди. Аҳолининг жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар эса 10,2 фоизга кўпайди.

Аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши тобора ортиб бормоқда. Мустақиллик йилларида бу борадаги кўрсаткич 10,6 фоиздан 52 фоизга ўсди. Бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир.

Бу ҳақда сўз юритганда, собиқ иттифок ҳудудидаги бошқа мамлакатлардан фарқли равишда, Ўзбекистонда даромадлар даражаси бўйича

аҳолининг кескин табақаланиш ҳолати мавжуд эмаслигини алоҳида таъкидлаш лозим. Энг кўп ва энг кам даромад оладиган аҳоли ўртасидаги фарқ 2000 йилдаги 53,3 баробардан бугунги кунда 7,8 баробарга тушди. Бу ўринда жамиятда ижтимоий барқарорликнинг мезони ҳисобланган бу кўрсаткич халқаро меъёрларга кўра, 10 баробар қилиб белгиланганини айтиб ўтиш лозим».²

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ресурсларни меъёрдан ортиқча сарфи ҳам яхши самара бермайди. Бу муҳим кўрсаткичга эришиш ресурслар таъминотини оптималлаштириш ва улар ўртасидаги мувозанатни сақлаб туриш билан белгиланади.

Қишлоқда меҳнат ресурслари самарадорлигини оширишда қуйидаги муаммоларга эътибор бериш лозим:

- ишсизлик кўп бўлган қишлоқларда бандлик ва иш жойлари масаласини оқилона ҳал қилиш;
- фермерликни ривожлантиришни бўшаб қолаётган кишиларни иш билан банд қилишни режалаштирилган ҳолда амалга ошириш;
- қишлоқда ноқишлоқ хўжалик соҳаларини ривожлантириш, маҳал-лий ресурсларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш;
- ишсизларни ҳисобга олиш, ишсизлик нафақасини беришни ташкил қилиш ва уларни давлат томонидан касб – ҳунар олиши учун ўқитиш ишларини мукамал тизимини яратиш;
- қишлоқ жойларда яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришга имкониятлар яратиш.

Меҳнат иқтисодий категория ҳисобланади ва унинг характери ишлаб чиқариш муносабатлари билан аниқланади. Қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш шунга

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи 18.01.2015й).

йўналтирилганки, бунда ҳар бир ходимдан, меҳнатга худди ёлланма кунбайчидек бефарқ ва маъсулиятсиз эмас, балки пироворд натижага жавобгарлигини сезган ҳолда ёндошиш, муносабатда бўлишни талаб этилади. Охир оқибат бу меҳнатдан узоқлашиш деган ғовни олиб ташлайди. Хўжайин ва ёлланма ходим ўртасидаги асосий фарқлар қуйидагилардан иборат:

➤ биринчидан, хўжайин ишлаб чиқариш воситаларига ва мос равишда ишлаб чиқарилган маҳсулотга ҳам мулкдор ва хўжайиндир. Ёлланма ходимда эса бу мулк йўқ;

➤ иккинчидан, хўжайиннинг даромадлари (меҳнат ҳақи) пироворд натижаларга боғлиқ ҳолда ва қолдиқ принципи бўйича шаклланади, бошқача сўз билан айтганда, сотилган маҳсулот қийматидан моддий ва бошқа сарф-тўловлар, солиқлар ва бошқалар ажратиб ташлангандан кейинги даромадлардан шаклланади. Даромадларнинг қолган қисмига хўжайин мустақил эгалик қилади. Ёлланма ходим ишда бўлган вақтига ёки бажарган ишининг ҳажмига қараб иш ҳақи олади, у пироворд натижага боғлиқ эмасдир.

Республикаимизнинг мустақиллик йўлига қадам қўйиши, иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиши муносабати билан ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш асослари маълум даражада ўзгарди. Бозор муносабатларининг ноаниқ шароитларида самарали фаолият юритиш, ундаги ўзгаришларга тезда мослашиш, таваккалчиликка йўл қўймаслик, ортиқча харажатларга қилмаган ҳолда юқори натижаларга эришиш ҳар қандай корхона олдида турган энг биринчи вазифадир. Бу муаммоларни ҳал қилишда асосий йўллардан бири бу меҳнат унумдорлигини оширишдир. Бозор муносабатлари шароитида бир қатор ижтимоий–иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун инсон ресурсларидан, уларнинг меҳнатида самарали фойдаланиш, уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга ҳаракат қилиш керак.

Юқоридаги келтирилган барча маълумотлар битирув малакавий ишининг мавзуси ҳозирги куннинг энг долзарб масаласига тааллуқли эканлигини асослаб беради.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалиги мисолида ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридаги мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлади.

1. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий услубий асосларни ўрганиш.
2. Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалиги ишлаб чиқаришини иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил этиш асосида фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари аниқланади ва шу асосда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари белгиланади.
3. Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича фикр-мулохазалар, хулоса ва таклифларни ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти..

Битирув малакавий ишидаги билдирилган фикр мулохазалардан, хулоса ва таклифлардан ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан чора тадбирлар дастурини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби.

Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва таклифлар, ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишини кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, унинг мақсади ва вазифалари, амалий аҳамияти ва таркиби баён этилган.

Асосий қисм 3та бобдан иборат бўлиб, уларда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамияти асосланиб, Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш самарали фойдаланиш йўллари бўйича фикр ва мулоҳазалар берилган.

Битирув ишининг хулоса қисмида Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида мавзунинг ёритишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа меърий ҳуқуқий ҳужжатлар, Президент асарлари, махсус адабиётлар ва Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллардаги ҳисоботлари ва бизнес режалари киритилган.

Битирув иши электрон ёзма шаклида 93 бетни ташкил этиб, уни ёритишда 12 та жадвал, 1та расм ва 1та диаграмма маълумотларидан фойдаланилди.

***1Боб. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш
самарадорлигини оширишнинг назарий услубий асослари.***

***1.1. Меҳнат ресурслари ва салоҳияти самарадорлигини
баҳолаш мезонлари.***

Меҳнат ресурслари мамлакат аҳамиятининг ўз рухий, фидокорлик ва ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кўрсатишга кодир бўлган меҳнатга лаёқатли қисмидир.

«Бу таърифдан шу нарса келиб чиқадики, меҳнат ресурслари иқтисодиётда меҳнат билан банд, банд бўлмаса ҳам меҳнат қилишлари мумкин бўлган кишиларни ҳам қамраб олади»³. Меҳнат ресурсларини тўлдириб туриш мамлакат аҳолиси сонининг ўсиши натижасида рўй беради. Шу ўринда Ўзбекистон аҳолиси сонининг йилдан-йилга ўсиб бораётганлигини қайд этиш муҳимдир. Мазкур ўсишнинг асосий омилларидан бири сифатида туғилиш даражаси ҳисобланади.

Меҳнат ресурслари деганда меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган (Ўзбекистон Республикасида эркаклар учун 16 ёшдан 59 ёшгача, аёллар учун 16 ёшдан 54 ёшгача) аҳоли, шунингдек иқтисодда банд меҳнатга лаёқатли ёшда бўлмаган (ўсмирлар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан юқори ёшдагилар) шахслар тушунилади. Бундан ишламаётган I, II гуруҳ ногиронлари, имтиёзли нафақа олувчилар истисно қилинади.

Иқтисодий фаол аҳоли (ишчи кучи) — аҳолининг товарларга ва хизматлар кўрсатишда ишчи кучига талабни таъминловчи қисми тушунилади. Иқтисодий фаол аҳоли иш билан бандлар ва ишсизларни қамраб олади.

Иш билан бандлар — кўриб чиқиляётган даврда тўла ёки тўлиқсиз иш кунида ҳақ олиб меҳнат қиляётганлар ёки вақтинча иш билан банд бўлмаган (касаллиги, касалларни парвариш қилиши, таътилдалиги ва бошқа сабабларга кўра) шахслардир.

3 Қ.Х. Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт). Тошкент. Меҳнат—2004. 205 б.

Ишсизлар — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ „Ўн олти ёшдан бошлаб то нафақа билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги, ишга ва иш ҳақиға (меҳнат даромадиға) эға бўлмаған, иш қидирувчи шахс сифатида бандликка қўмаклашиш марказида рўйхатға олинған, меҳнат қилишға, касбға тайёрлаш ёки қайта тайёрлашдан ўтишға, малакасини оширишға тайёр меҳнатға қобилиятли шахс ишсиз деб эътироф этилади".⁴

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 январдаги 42-сон „Аҳолининг иш билан бандлигини ҳисобға олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ мамлакатимизда Халқаро Меҳнат ташкилоти тавсия ва стандартлари асосида меҳнат ресурслари шаклланиши ва ундан фойдаланиш тартиб-қоидалари (1- расм) белгилаб қўйилған.



1- расм Меҳнат ресурслари

⁴ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилиги бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Тошкент. „Ўзбекистон". 2006. 30- бет.

Меҳнат ресурсларини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳоли — яъни амалдаги қонунчиликда Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган ёш чегаралари оралиғидаги шахслар ва II гуруҳ ишламаётган ногиронлардан ва ишламаётган, ёши бўйича имтиёзли шартлар асосида пенсия олаётган фуқаролардан иборатдир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳнат ёшининг қуйи чегараси 16 ёш деб ҳисобланади. Юқори чегараси ёш бўйича пенсия олиш ҳуқуқи билан белгиланган ва эркаклар учун 60 ёшни, аёллар учун 55 ёшни ташкил этади.

Меҳнат ёшидан ўтган ишлаётган шахслар ва ишлаётган ўсмирлар меҳнат ёшига етмаган шахслар.

Иқтисодий фаол аҳоли (иш кучи) — бу аҳолининг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ўз ишчи кучини таклиф этишни таъминлайдиган қисми. Иқтисодий фаол аҳоли сони иш билан бандларни ва ишга жойлашишга муҳтож шахсларни ўз ичига олади.

Иш билан бандлар: а) пул билан тўланадиган ёки натура ҳолидаги ҳақ эвазига ёлланиб, шунингдек, ўз фаолияти эвазига қанча муддат ,ҳақёки даромад олишдан қатъий назар, фойда ёки оилавий даромад олиш учун ёлланмасдан ҳафтасига камида 2 соат мобайнида иш бажарганлар; б) касаллиги ёки жароҳатланганлиги туфайли, беморларга қараб туриш учун; йиллик меҳнат таътили ёки дам олиш кунларида; ўз иш жойидан ташқарида таълим олганлиги учун; маъмурият ташаббуси билан таъминоти сақлаб қолинган ёки сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан вақтинча ишда бўлмаганлар; в) оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарган шахслар.

Иш билан бандлик фақат корхонада ишлаш билангина чекланиб қолмайди. Бозор концептаиясига, халқаро стандартлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг „Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисида“ги (янги таҳрирдаги) қонунига мувофиқ иш билан бандлик — фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқбўлган, уларга иш ҳақи

(меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятидир. Бунда ҳар бир одам ўз меҳнат қобилиятларини тасарруф этиш ҳуқуқи, ишлаш ёки ишламаслик ҳуқуқи, жинси, миллати ва қандайдир бошқа белгиларидан қатъиназар, доимий, қисман, вақтинчалик меҳнат фаолиятини, шу жумладан ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган меҳнат фаолиятини ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга. Меҳнатга мажбурлашга йўл қўйилмайди (қонунларда махсус белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно). Ихтиёрий равишда ишламаслик жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди.

Ёлланиб ишлайдиганлар ҳам, ёлланмасдан ишлайдиганлар ҳам, бу иш доимий, вақтинчалик, мавсумий, тасодифий ёки бир марталик бўлишидан қатъий назар, иқтисодиётда иш билан банд, деб ҳисоб-ланади.

Ёлланиб ишлайдиганлар — мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхона (ташкilot, муассаса) раҳбари ёки алоҳида шахс билан пул ҳамда ёки натура ҳолида ҳақ оладиган меҳнат фаолияти шартлари ҳақида ёзма меҳнат шартномаси, контракт ёки оғзаки битим тузган шахсларни ўз ичига олади.

Ёлланмасдан ишлайдиганлар: 1) индивидуал асосда, доимий ёлланма ходимлардан фойдаланмасдан мустақил ишлайдиган шахсларни; 2) иш берувчиларни, шу жумладан фермер ва деҳқон хўжаликлари бошлиқларини; 3) оилавий корхоналарнинг ҳақ олмайдиган ходимларини; 4) жамоа мулкдорлар (кооперативлар, ширкатлар каби) аъзоларини бирлаштиради.

Иқтисодиётда иш билан банд бўлганлар орасида аҳолига даромадларга эга бўлган имконини берадиган ва иш билан бандликни қўллаб-қувватлашда ҳамда ишсизликнинг олдини олишда муҳим роль ўйнайдиган норасмий секторда ишлаётганлар алоҳида ўрин тутди. Норасмий сектор мустақил юридик мақомга эга бўлмаган ишлаб чиқариш бирликлари (уй — хўжаликлари ёки корпоратив бўлмаган корхоналар) деб ҳисобламоқ керак.

Норасмий секторда банд бўлганларга муайян вақт мобайнида норасмий секторнинг камида биттасида иш билан банд бўлган барча шахслар киради. Кўчада савдо қилиш, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш (кийим тикиш, уни таъмирлаш ва ҳоказолар), шунингдек, индивидуал тадбиркорлик ва

касбларнинг бошқа турлари шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар ҳам иш билан таъминланган аҳоли тоифасига киритилиб, улар пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Меҳнат ресурсларида ишга жойлашишга муҳтож шахслар ҳам фарқланади. Ушбу тоифага киритишнинг асосий мезонлари қуйидагилар;

—ишнинг ёки даромад келтирадиган иш билан бандликнинг бутунлай йўқлиги;

—бандликка кўмаклашиш марказларида рўйхатдан ўтиш йўли билан ҳам, ҳақ тўланадиган ишни топиш учун аниқ ҳаракатларни мустақил амалга ошириш ҳам фаол иш излаш (масалан, тўғридан-тўғри иш берувчиларга мурожаат қилиш, эълонлар бериш, ўз ишини ташкил этиш учун ускуналар, инвентарлар, меҳнат воситалари ва қуроллари, молиявий ресурслар излаш ва ҳоказо);

—ишга киришишга тайёр бўлиш, яъни ёлланиб ишлашга ёки ўз қорхонасида иш бошлашга тайёр бўлиш.

Ушбу мезонларни бир вақтда қўлланиш ишга жойлашишга ҳақиқатдан ҳам муҳтож бўлган ишламаётган аҳолини ихтиёрий сабабларга кўра ёки иқтисодий фаол бўлмаганлиги сабабли ишга жойлашишга муҳтож бўлмаган шахслардан фарқлаш имконини беради.

Юқоридаги учта асосий мезонларга мувофиқ:

Иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож аҳоли — амаддаги қонунларга мувофиқ ишсизлар сифатида расман рўйхатдан ўтган (меҳнат органлари бандликка кўмаклашиш марказлари ташкил этадиган, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иш билан банд бўлган даврни ҳам қўшганда), шунингдек, меҳнатга қобилиятли ёшда бўлиб, вақтинча иш билан банд бўлмаган, ҳақ тўланадиган иши ёки даромад келтирадиган машғулоти бўлмаган (ёки ҳафтасига икки соатдан кам вақт мобайнида ҳақ тўланадиган),

ё меҳнат органлари ёрдамида, ёки мустақил равишда фаол иш излаётган ва ўзларига иш таклиф этилиши биланоқ унга киришишга тайёр бўлган шахслардир.

Иқтисодий фаол аҳоли — ишчи кучи таркибига кирмайдиган меҳнатга қобилиятли аҳолидир. Унинг жумласига қуйидагилар киради:

—ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдатаълим олаётган ўқувчилар ва талабалар, ўқув юртларининг (шу жумладан академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, техникумлар, олий ўқув юртлари, курслар, шунингдек, кундузги аспирантура ва докторантура) тингловчилари ва курсантлари;

—уй хўжалигини юритишда, болаларни, бемор қариндошларини парвариш қилишда банд бўлганлар ва агар даромад келтирадиган иш таклиф қилинса, шу ишга киришиш имконига эга бўлмаган бошқа шахслар;

—ишлашни истамаётган, иш билан ихтиёрий равишда банд бўлмаган шахслар шунингдек, ишлашни истайдиган, лекин ишга жойлашиш ёки ўзини мустақил даромад билан таъминлаш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмайдиган шахслар.

Меҳнат ресурсларининг миқдори. Бу миқдор меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳоли сони билан меҳнат ёшидан кичик ва катта бўлиб, ишлаётган шахслар сонининг йиғиндиси сифатида аниқланади:

$$M_P = M_{EM} + I_{\Pi},$$

бунда: M_P — меҳнат ресурслари;

M_{EM} — меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳоли;

I_{Π} — ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

M_{EM} сони меҳнат ёшидаги аҳоли сонидан (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркеклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар сонидан) иккала жинсга мансуб меҳнат ёшидаги ишламаётган 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари ҳамда имтиёзли шартлар асосида пенсия олаётган ишламаётган пенсионерлар сонини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади:

$$M_{EM} = \Sigma_{(16-60)} + A_{(16-55)} - \text{Ногир}$$

бунда: Э(16 - 60) — 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар; А(16 - 55) — 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар; Ног — меҳнат ёшида бўлиб, ишламаётган 1 ва 2 гуруҳ ногиронлари (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар) ҳамда имтиёзли шартлар асосида пенсия олаётган ишламайдиган пенсионерлар.

Иқтисодий фаол аҳоли сони. Ушбу аҳоли сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$И_{\text{Ф}} = И_{\text{Б}} + И_{\text{И}},$$

бунда, $И_{\text{Ф}}$ — иқтисодий фаол аҳоли қисми;

$И_{\text{Б}}$ — иш билан бандлар;

$И_{\text{И}}$ — иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож шахслар.

Иш билан бандлар сони. Ҳисобот даврида иш билан бандлар сони қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади.

$$И_{\text{Б}} = И_{\text{р}} + И_{\text{дх}} + И_{\text{нр}},$$

бунда, $И_{\text{р}}$ — Иқтисодиётнинг расмий секторида (корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда) иш билан банд бўлганлар.

$И_{\text{дх}}$ — Деҳқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар.

$И_{\text{нр}}$ — Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганларни аниқлаш. Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар жумласига расмий статистикада ҳисобга олинмаган, доимий, вақтинча, бир мартали ва мавсумий ишларни ёлланиб бажарадиган, шу жумладан мазкур ишларни амалга ошириш учун республикадан ташқарига чиқиб кетадиган шахслар, ўз бизнесини юритадиган, шериклар билан ёлланмасдан ишлаётган шахслар, тақиқланмаган, лекин рўйхатга олинмаган фаолиятдан иш ҳақи ёки даромад топадиган шахслар (масалан, чорва мол боқиш ва етиштириш билан банд бўлганлар, деҳқон бозорлари ва чакана бозорда харидорларга ва савдо қилувчиларга хизмат кўрсатадиган, стационар бўлмаган савдо жойларида савдо билан банд бўлган, хусусий тарзда одам ташиш билан ва фаолиятнинг бошқа турлари билан банд бўлган шахслар) кирази.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлган шахслар сони Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан махсус ишлаб чиқилган дастур бўйича йилнинг ҳар чорагида ишчи кучини текшириб чиқиш асосида аниқланади.

Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлган аҳоли сонини ишчи кучини танлаб текшириш маълумотлари асосида аниқлаш учун:

а) Иқтисодиётнинг норасмий секторида тегишли фаолият турлари билан шуғулланаётган шахслар сонининг сўраб чиқилган меҳнат ёшидагилар сонига салмоғи қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$C_0 = C_{Mi} : C_M * 100,$$

бунда: C_0 — иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ (0) тури билан шуғулланувчи сўраб чиқилганларнинг салмоғи;

C_{Mi} — иқтисодиётнинг норасмий секторида аниқ (i) фаолият тури билан шуғулланувчи сўраб чиқилганлар миқдори;

C_M — меҳнат ёшидаги сўраб чиқилганлар миқдори, жами.

б) Олинган салмоқлар бўйича иқтисодиётнинг норасмий секторида аниқ фаолият тури билан банд бўлган аҳоли сони қуйидаги формула асосида ҳисоблаб чиқарилади:

$$H_{PBi} = M_{ET} * C_{Ci} : 100,$$

бунда: H_{PBi} — иқтисодиётнинг норасмий секторида фаолиятнинг аниқ (1) тури билан банд бўлганлар сони;

M_{ET} — меҳнат ёшидаги аҳоли сони;

в) Иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар умумий сонини аниқлаш учун фаолиятнинг ҳар бир аниқ тури бўйича НРБ ҳақидаги маълумотлар қўшилади:

$$H_{PB} = H_{PBi}$$

бунда: H_{PB} — норасмий секторда иш билан банд бўлганлар сони.

Иш билан банд аҳолини иқтисодиёт тармоқлари ва иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимлаш. Меҳнат ресурслари балансида иш билан банд аҳоли сони амалдаги миллий таснифлагичларга мувофиқ иқтисодиёт

тармоқлари (иқтисодий фаолият турлари) бўйича тақсимланади ва бунда қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

Саноат. Қишлоқ хўжалиги.

Қурилиш.

Транспорт ва алоқа.

Савдо ва умумий овқатланиш.

Моддий-техникавий таъминот, сотиш ватайёрлаш.

Моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари.

Уй-жой коммунал хўжалиги ва маиший хизмат кўрсатиш.

Таълим, фан, маданият, санъат.

Ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари.

Бундай қилиш аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаларини, меҳнат ресурсларининг фаолият турлари бўйича тақсимланишини таҳлил қилиш ва баҳолаш имконини беради. Бу эса иш билан бандликни давлат томонидан тартибга солиш чораларини кўриш учун зарурдир.

Иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож шахслар сонини аниқлаш. Иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож бўлган шахслар сони меҳнат ёшида иш билан банд бўлмаган, меҳнат органлари томонидан ишсиз (ОИ) мақоми берилган шахсларни; меҳнат органларида иш қидираётганлар (ИҚ) сифатида рўйхатга олинганлар; меҳнат органларига мурожаат қилмасдан, мустақил равишда иш қидираётганлар (ИҚм)ни ўз ичига олади.

ИҚ сонини аниқлаш уч-ун баланс тузилган пайтда меҳнат органларида ҳисобда турган шахслар сонидан бу пайтда расман ишсизлар мақоми берилган шахслар, шу жумладан ишсизлик бўйича нафақа олаётган, жамоат ишларида банд бўлган ҳамда меҳнат органлари йўлланмаси бўйича касб-хунар тайёргарлигидан ўтаётган, қайтатаълим олаётган ва малакасини ошираётган шахслар чегириб ташланади.

Мустақил иш қидираётган шахслар ($I_{\text{КМ}}$) сонини ҳисоблаб чиқариш учун:

1) ишчи кучини текшириб чиқиш натижаларига кўра, иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож аҳолининг салмоғи аниқланади:

$$И_{БЖС} = (И_{БТ} - И_{НАТ}) : C_C * 100,$$

бунда: $И_{БЖС}$ — иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтожлар салмоғи;

$И_{БТ}$ — ишчи кучини текшириб чиқиш натижасида аниқланган иш билан банд бўлмаганлар сони, жами;

$И_{НАТ}$ — ишчи кучини текшириб чиқиш натижасида аниқланган иқтисодий нофаол аҳоли, жами;

C_C — меҳнат ёшидаги сўраб чиқилганлар сони.

2) иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож шахсларнинг умумий сони қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$И_{БЖ} = M_{АТ} * И_{БЖС} : 100,$$

бунда: $И_{БЖ}$ — иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож шахслар сони;

$M_{АТ}$ — меҳнат ёшидаги аҳоли сони;

$И_{БЖС}$ — текшириш натижасида аниқланган иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож шахслар салмоғи.

3) мустақил равишда (меҳнат органларига мурожаат қилмасдан) иш излаётган шахслар сони иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож шахслар сони билан меҳнат органларида иш излаётганлар сифатида рўйхатдан ўтган ва расман ишсиз мақомини олган шахслар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади:

$$И_{КМ} = И_{ЖМ} - И_{К} - P_{и},$$

бунда: $И_{КМ}$ — мустақил иш қидираётганлар;

$И_{ЖМ}$ — ишга жойлашишга муҳтожлар;

$И_{К}$ — меҳнат органларида иш қидираётганлар сифатида рўйхатга олинганлар; $P_{и}$ — расман ишсизлар.

Иқтисодий нофаол аҳоли. Меҳнат ресурсларининг балансини тузиш вақтида уларнинг тақсимланиши схемасига асосланиб, иқтисодий нофаол

аҳолининг сони ҳамма вақт меҳнат ресурслари сони билан иқтисодий фаол аҳолининг сони ўртасидаги фарқдан иборат бўлади:

$$I_{HA} = M_P - I_{\Phi},$$

бунда: I_{HA} — иқтисодий нофаол аҳоли; M_P — меҳнат ресурслари сони;

I_{Φ} — меҳнат ресурсларининг иқтисодий фаол қисми. Меҳнат ресурслари ва ишга жойлашишга муҳтож шахслар сонининг ҳисобот ва прогноз баланслари асосида меҳнат ресурс-ларининг иш билан бандлик даражаси ҳамда ишсизлик даражаси аниқланади, шу билан бандликни давлат томонидан тартибга солиш ва аҳоли даромадларини ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси қуйидаги формула бўйича фоизларда ҳисоблаб чиқилади:

$$B_d = (B : I_{\Phi}) * 100,$$

бунда: B_d — меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси;

B — иш билан бандлар сони; I_{Φ} — иқтисодий фаол аҳоли сони. Ишга жойлашишга муҳтож шахслар салмоғи (ёки умумий ишсизлик даражаси) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$I_{жмс} = (I_M : I_{\Phi}) * 100,$$

бунда, $I_{жмс}$ — ишга жойлашишга муҳтож шахслар салмоғи, %;

I_M — ишга жойлашишга муҳтож шахслар сони;

I_{Φ} — иқтисодий фаол аҳоли сони.

Олинган маълумотлар, шунингдек меҳнат ресурслари ва ишга жойлашишга муҳтож шахслар сони балансини ҳисоблаб чиқишга доир ахборот, уларни турли даврлардаги динамикасига қараб таҳлил қилиш меҳнат ресурслари миқдори ва структурасини, меҳнат бозоридаги ва иш билан бандлик соҳасидаги кундалик тамойилларни ҳамда прогноз қилаётган ўзгаришларни баҳолаш учун асос бўлади.

1.2. Фермер хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг назарий асослари

Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузасида қуйидагиларга тўхталиб ўтди; «2014 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 9 триллион сўмдан ортиқ ёки 2013 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп, шу жумладан, 2 триллион сўмга яқин миқдордаги микрокредитлар ажратилди. Бу ўтган йилга қараганда 39 фоиз кўпдир. Сўнгги беш йилда кичик бизнесни кредитлаш ҳажми қарийб 5 баробар кўпайди.

Хусусий тадбиркорларнинг хомашё ресурсларидан фойдаланиш имконияти, биринчи навбатда, бундай маҳсулотларни биржа ва ярмарка савдоларида сотиш ҳажмини кўпайтириш ҳисобидан сезиларли равишда кенгайтирилди. Масалан, 2014 йилда улар томонидан Республика товар-хомашё биржасида қарийб 3 триллион сўмлик ёки 2013 йилга нисбатан 1,6 баробар кўп хомашё ва материаллар сотиб олинди. Шу билан бирга, хусусий тадбиркорлар биржа савдолари орқали ўзлари ишлаб чиқарган 1 триллион 500 миллиард сўмлик маҳсулотни сотди, бу кўрсаткич 2013 йилга қараганда 1,7 баробар кўпдир». (И.А.Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.18.01.2015й).

Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузасида қуйидагиларга тўхталиб ўтди;” Шу борада ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун янада қулай шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлигини барчамиз албатта яхши тушунамиз.

Мулкни рўйхатга олиш, ер участкалари ажратиш, айрим фаолият турлари билан шуғулланиш учун лицензия олиш, қурилишга рухсат бериш ва

электр таъминоти тармоқларига уланишда «ягона дарча» тамойилини амалиётга жорий этиш тобора кенгайиб бормоқда.

Кичик бизнес субъектлари томонидан статистик ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш механизмлари сезиларли даражада соддалаштирилди. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 98 фоизи солиқ ва статистика ҳисоботлари топширишни, божхона декларацияларини расмийлаштиришни эски усулдаги қоғоз тўлдириш йўли билан эмас, балки бевосита – электрон шаклда амалга оширмоқда.

Саноатнинг енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби кўп меҳнат талаб қиладиган тармоқларида ишчиларнинг энг кўп сони илгариги 100 кишидан 200 кишигача оширилгани кичик бизнесни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар тизимидаги муҳим қарор бўлди». (И.А.Каримов. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир.18.01.2015й).

Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузасида қуйидагиларга тўхталиб ўтди; «Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принцип жорий этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараёнлар учун харажатлар қиймати 5 марта қисқартирилди.

Шуни қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома олиш жараёнида тўланидиган харажатлар 8 баробар камайтирилди, банкларда ҳисоб-рақами очиш учун тўловлар бекор қилинди ва шу борада бошқа зарур тадбирлар амалга оширилди»

(И.А. Каримов “2014 йил юкори усиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислохатлар

стратегиясини изчил давом эттириш йили булади” . Халқ сўзи. 19. 01. 2014 йил).

Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузасида қуйидагиларга тўхталиб ўтди; «Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди.

Айни пайтда шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитининг бугунги ҳолати эркин бозор иқтисодиётининг талаб ва принциплари, умумий халқаро нормаларга тўлиқ жавоб беради, деб айта олмаймиз.

Тадбиркорларимиз қишлоқ жойларда энергия таъминотининг беқарорлигига, ишлаб чиқариш ва йўл инфратузилмасининг керакли даражада ривожланмаганига, текширувларнинг кўплигига, шунингдек, жойларда ижро интизомининг нисбатан пастлигига ҳалигача дуч келмоқда.

Бу ўта муҳим масалага яна ва яна бир бор эътибор қаратиб, алоҳида таъкидлашни зарур деб биламан: тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун турли рухсатномалар бериш муддатларини янада қисқартириш, уларнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорлик йўлидаги ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш ва бундай ҳолатларга йўл қўймасликни жиддий назоратга олишимиз шарт.

Лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини электрон шаклда тақдим этиш, коммунал хизматлар, шунингдек, солиқ солиш ва божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни интерфаол шаклда кўрсатишга ўтишни тезроқ амалга ошириш зарур».(И.А. Каримов “2014 йил юқори усиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили булади” . Халқ сўзи. 19. 01. 2014 йил).

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтгани каби «Мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ 2014 йилда салкам 1 миллион иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда меҳнат соҳасига қарийб 500 минг нафар ёш йигит-қизлар – 2-3 тадан мутахассисликни ва иш кўникмаларини эгаллаган, олган билимларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида, хизматлар ва бошқарув жабҳасида қўллашга тайёр бўлган касб-хунар коллежларининг битирувчилари кириб келади.

Бу ўринда навқирон авлодимизни фаол меҳнат фаолиятига тўлақонли жалб этиш бўйича вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, корхона ва коллежлар раҳбарларининг ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича масъулияти ҳақида гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак». (И.А. Каримов “2014 йил юкори усиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, узини оклаган ислохатлар стратегиясини изчил давом эттириш йили булади” . Халқ сўзи. 19. 01. 2014 йил).

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбекистон йўли» Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларида илмий-назарий жихатдан асослаб берилган. Улар жумласига Президентимизнинг куйидаги асарларни киритиш мумкин. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар», «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли», «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура», «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари», «Иқтисодий ислохот: маъсулиятли босқич», «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари», «Ўзбекитон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда», «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Ўз келажакимизги ўз қўлимиз билан қураимиз», «Жахон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари

Президентимиз И.А.Каримов «Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби этакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда.» “2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маъруза Тошкент – 2012 32-46 ет

Президентимиз И.А.Каримов фермерлар фаолиятини тартибга солиш зарурлигига алоҳида тўхталиб қуйидагиларни эслатади «Мухтасар қилиб айтилганда, биз учун устивор вазифа бўлган фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида мунтазам иш олиб бориш, бу соҳада таъсирчан ва самарали механизмларни қўллаш керак. Масалан, ўтган йили қарздор бўлиб қолган фермерлардан қарзлар ундириб олинади. Чунки фермер шартнома режасини бажармасдан, давлат манфаатига беписанд қарайдиган бўлса, бу албатта яхшиликка олиб келмайди. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида Т.Ўзбекистон 2005 й. 74 бет»

Президентимиз И.А.Каримов фермерлик ҳаракатини ривожлантириш зарурлигини қуйидагича асослайди «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти нечоғли катта эканини яна бир бор таъкидлаш жоиз, деб биламан. Кегинги йиллар тажрибаси фермер хўжаликларининг ширкатларга нисбатан анча юқори рентабелли бўлиши ва зарар кўрмай фаолият юритишни яққол тасдиқлайди» (И.А.Каримов Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. Т. Ўзбекистон – 2003 й. 57 бет).

«Меҳнат ресурслари» жамиятда меҳнат имконияти, қуввати, иш билан боғлиқ қучларнинг мавжудлиги, деган маънони билдиради. Меҳнат ресурсларининг таърифи унинг шаклланиши, сифатий, миқдорий баҳолаш ва самарали фойдаланишни ифодаловчи омиллар бирикмасидан иборат. Ҳозиргача

мазкур категория олимлар томонидан турлича талқин қилиниб, улар ушбу тушунчага турли нуқтаи назардан ёндашганлар.

Баъзи олимлар меҳнат потенциали билан меҳнат ресурсларини ўзаро тенглаштириб, ушбу тушунчалар бир хил маънони англатади, дея таъкидлашади. Бошқа тадқиқотчиларнинг қайд этишича, ушбу категориялар бир-биридан фарк қилади, бунда меҳнат потенциали меҳнат ресурслари ва ишчи кучига нисбатан кенгрок тушунчадир.

Умуман олганда «меҳнат потенциали» мавзуси ҳалигача мунозарали масала бўлиб келмоқдаки, бугунги кунда у ҳақдаги илмий-иқтисодий ёндашувларни уч йўналишга ажратиш мумкин.

Биринчи йўналиш вакиллари «меҳнат потенциали» категориясига «ресурс» жиҳатдан ёндашиб, асосан, унинг миқдорий кўрсаткичларига устувор аҳамият сифатида қарайдилар. Мазкур йўналиш вакилларининг фикрича, меҳнат потенциали жамиятни ривожлантириш учун зарур бўлган иш билан боғлиқ турли ресурслар мажмуидир.

Мазкур категорияни тадқиқ этар экан россиялик олим Н.А. Горелов уни «меҳнат ресурслари» ва «ишчи кучи» тушунчалари билан бевосита тенглаштиради. У бунга миқдор жиҳатдан ёндашиб, меҳнат потенциали меҳнат ёшидаги ишга лаёқатли аҳоли сонидан иборатдир, деган фикрни илгари суради.

Худди шунга ўхшаш фикрни ГТ. Сергеева ва Л.С. Чижоваларнинг иқтисодий қарашларида ҳам кўриш мумкин. Бу. муаллифлар томонидан чоп этилган «Мамлакат меҳнат потенциали» асарида мазкур категорияни жамият эгалик қиладиган меҳнат ресурсларидир, талқин этади. Бироқ, улар Н.А. Гореловдан фарқли равишда ушбу категорияни талқин этишда унинг сифат жиҳатларига ҳам эътибор қаратадилар. Яъни, уларнинг фикрича, ишга лаёқатли аҳолининг миқдор ва сифат жиҳатларининг ўзаро уйғунлиги меҳнат потенциалининг реал мазмунини белгилаб беради.

Россиялик иқтисодчи олим Н.А. Волгин ҳам унга ресурс сифатида ёндашиб, «Меҳнат потенциали ўзаро боғлиқ кўпгина элементлардан ташкил топган меҳнат ресурслари йиғиндисидир. У ёки бу элементни ушбу мажмуага

киритишга асос бўлиб хизмат қилувчи асосий белги жонли шахс, организм эгалик қиладиган ишга бўлган жисмоний ва маънавий қобилиятдир», деган фикрни илгари сурган.

Р.П. Рузавина, Р.П. Колосова, А.А. Кумьпсова ва Л.Э. Кунельскийларнинг фикрича, меҳнат потенциали ишчи кучи категориясини равшанлаштирувчи йўналишлардан биридир. Мазкур олимлар потенциални ресурсларга нисбатан кенгроқ тушунча деб қараб, меҳнат потенциалининг таркибига ижтимоий ишлаб чиқаришда қатнашишга лаёқатли барча фуқаролар, шунингдек иш билан банд бўлган ишчилар билан бир қаторда, баъзи сабабларга кўра иш билан банд бўлмаган кишиларни ҳам киритадилар.

В.Г. Врублевский потенциалга нисбатан ўзига хос нуқтаи назарни илгари суриб, унинг шаклланишида иш шароитларига ҳам алоҳида урғу беради. Шунга кўра, у меҳнат потенциали жами ишчи кучи ва шароитларнинг бирлигидан ташкил топади, деб таъкидлайди.

Украиналик иқтисодчи олим Н.В. Коровяковская ҳам потенциални ресурсга тенглаштириб, меҳнат потенциали ишга лаёқатли ёшдаги аҳолидан ҳамда пенсия ёшига етган бўлишига қарамасдан ўзининг хизматга бўлган қобилиятини сақлаб қолган кишилар бирикмасидан ташкил топади», деган хулосага келади.

Л.С. Дегтярь эса ресурслар ва потенциал ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, деб ҳисоблайди. Унинг билдиришича, ҳар иккала категория ҳам бир хил мазмунга эга ва ўзаро тенг аҳамиятлидир.

Демак, потенциалга ресурс сифатида ёндашадиган олимлар, асосан, миқдор кўрсаткичларига биринчи даражали эътибор бериб, улар потенциални таърифлашда ишга лаёқатли кишилар, меҳнат ресурслари, иш билан бандлар, ишсизлар ҳамда ишлаш имкониятига эга бўлган пенсионерлар каби аҳоли қатламлари билан чекланганлар. Бунда улар аҳолининг шахсий сифат ва касб-малака омилларини инобатга олмаганлар.

Иккинчи йўналиш тарафдорлари меҳнат потенциалига «омил» жиҳатдан ёндашиб, улар потенциалнинг таркибини аниқлашда шахсий ва инсоний

омиллар (сифат) нуқтаи назардан ёндашадилар. Ушбу қарашларда улар сифат кўрсаткичларига алоҳида устувор аҳамият қаратадилар.

М.И. Скаржинский потенциалга шахсий омил ҳаракатининг иқтисодий шаклларида бири сифатида қарашни таклиф қилади. Унинг фикрича, мазкур категория уч босқичли ҳаракатдан ўтади: меҳнат ресурслари, ишлаб чиқариш шароитлари (ишчи кучи) ва меҳнат потенциали. Олимнинг таърифлашича, меҳнат салоҳияти жамиятни ҳаракатга келтиришнинг реал ва потенциал имкониятларидир

«Потенциал» тушунчасини таърифлашда Урал давлат иқтисодиёт университетининг профессори Н.И. Шаталова омилга алоҳида урғу берар экан, меҳнат потенциали - инсон омилининг аниқ тарзда намоён бўлишидир, деган қисқа таърифни келтиради.

Шунга ўхшаш нуқтаи назарни И.А. Кокоревнинг иқтисодий қарашларида ҳам учратиш мумкин. У ҳам потенциалнинг мазмун-моҳиятини ёритишда омилга алоҳида эътибор қаратиб, меҳнат потенциали – инсон омилининг ишга оид шахсий сифатлар йиғиндисидир, деган фикрни илгари суради.

М.И. Долишний, С.Н. Злупко, В. Добрик, Т.М. Палия, Т. Шульц ва бошқалардан иборат иқтисодчилар гуруҳи потенциалга омилни шакллантирувчи категория сифатида қарайдилар. М.И. Долишний меҳнат потенциалини баҳолаш учун унинг таркибини аниқлайдиган қуйидаги формулани таклиф этади:

$$M_{\Pi} = J_{M_{\Pi p}} + J_{M_{\Pi p}} + J_{M_z}$$

Бунда: M_{Π} - меҳнат потенциали;

$J_{M_{\Pi p}}$ - жонли меҳнатнинг потенциал ресурслари;

$J_{M_{\Pi p}}$ - жонли меҳнатнинг реал ресурслари;

J_{M_z} - жонли меҳнат захираси.

Шунингдек, М.И. Долишний талқинида меҳнат потенциали қуйидаги сабаблар бирикмасидан иборатдир: демографик, тиббий-биологик, таълим ва касб-малака кўрсаткичлари.

В.С. Булановнинг таъкидлашича, потенциал ўзида алоҳида инсон, шунингдек жамиятнинг турли ишчилар гуруҳининг барча меҳнат

имкониятларини мужассам этади. Хизматнинг кўлами, таркиби ва миқдорини аниқловчи ресурсдан фарқли равишда, потенциал унинг сифати ва салоҳиятли имкониятларини тавсифлайди.

Г.Э. Слезингер меҳнат потенциалини ишлаб чиқариш омилининг шахсий хусусиятлари йиғиндисидир, деб ҳисоблайди. Б.М. Генкиннинг фикрича эса, меҳнат потенциали инсоннинг иқтисодий фаолиятда иштирок этиш имкониятидир.

Л.А. Костиннинг фикрига кўра, меҳнат потенциали инсоннинг ишга лаёқатини аниқловчи турли сифат кўрсаткичлари йиғиндисидан иборат.

М.С Юсуповнинг таъкидлашича. “Ишлаб чиқаришни бошқариш меҳнатнинг ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқади. Бошқариш алоҳида меҳнат фаолияти сифатида меҳнат тақсимооти, кооперацияси ва ишлаб чиқариш кўламининг кенгайиши натижасида юзага келган. Бу жараён бошқарув субъектининг муайян бир натижага эришиш мақсадида бошқарув объектларига мақсадли таъсир ўтказиш билан боғлиқ фаолиятни акс эттиради”. Кишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш: Ўқув кўлланма. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2009. - 310 б.

Рашид Хакимовнинг таъкидлашича “Ишлаб чиқариш жараёнининг зарурий қисми меҳнатдир. Меҳнат инсонга хос хусусият. Инсоннинг жисмоний ва ақлий фаолияти меҳнат ҳисобланади. Ишни тракторлар, машиналар, ишчи ҳайвонлар бажариши мумкин. Меҳнат эса фақат онгли фаолият натижасидир. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан меҳнатнинг ҳолатига боғлиқ. Агарда меҳнат онгли равишда қилинаётган бўлса, унинг унумдорлиги юқори бўлади. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг меҳнат қилиш қобилиятига эга қисми унинг меҳнат ресурсларини ташкил этади. Ўзбекистон аҳолисининг 55,2 фоизидан кўпроғи меҳнат қилиш қобилиятига эга.” Hakimov R. Agrosanoat majmuasi iqtisodiyoti (Darslik). – Т.: TDIU, 2006

Қ. Бўстоновнинг асослашича «...бугунги кунда мамлакатимиз аграр соҳасини модернизациялаш ва инновацион асосида ривожлантириш тизими

етарлича йўлга қўйилмаган. Фаол инновацион фаолият билан шуғулланаётган қишлоқ хўжалиги корхоналарнинг улуши уларнинг умумий сонига нисбатан 0,5-0,6 фоиздан ошмаётир. Бунинг асосий сабаблари аграр секторда малакали кадрлар етишмаслиги, сохани модернизациялаш ва уни инновацион лойиҳалар асосида олиб бориш бўйича алоҳида дастурнинг йўқлиги ҳамда молиявий ресурсларнинг етарли эмаслигидир» (Қ. Бўстонов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва инновацион ривожланишнинг маҳсулот рақобатбардошлигига таъсири. Агро илм. 1(21) сон, 2012 йил 73 бет).

Ўзбекистонлик бир гуруҳ иқтисодчи олимлар (Р.А. Убайдуллаева, Х.П. Абулқосимов, Д.Н. Рахимова, Ш.Н. Зайнутдинов, Ш.Р. Холмўминов, А.А. Абдуғаниев, А.В. Ваҳобов, Н.Х. Раҳимов) меҳнат потенциали жисмоний имкониятга, маълумот, касбкор, малакага эга, ишлаб чиқаришда иштирок этишга лаёқатли барча фуқароларни ўз ичига олади, деган фикрни илгари суради. Бу таърифда улар потенциал ресурсга нисбатан кенг тушунча бўлиб, микдор кўрсаткичлари билан бирга ишчининг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир кўрсатувчи сифат кўрсаткичларига ҳам эгадир, деб таъкидлайдилар.

1.3. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларини аҳамияти ва уларни шаклланиши.

Ишлаб чиқариш жараёнининг зарурий қисми меҳнатдир. Меҳнат инсонга хос хусусият. Инсоннинг жисмоний ва ақлий фаолияти меҳнат ҳисобланади. Ишни тракторлар, машиналар, ишчи ҳайвонлар бажариши мумкин. Меҳнат эса фақат онгли фаолият натижасидир. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан меҳнатнинг ҳолатига боғлиқ. Агарда меҳнат онгли равишда қилинаётган бўлса, унинг унумдорлиги юқори бўлади. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг меҳнат қилиш қобилиятига эга қисми унинг меҳнат ресурсларини ташкил этади. Ўзбекистон аҳолисининг 55,2 фоизидан кўпроғи меҳнат қилиш қобилиятига эга.

Ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келмоқда.

Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, регрессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда.

Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат ёъқлигини ҳам тасдиқлади.

Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади. Яъни, бу аввало, ана шу давлатнинг молия-валюта

тизими нечоғлиқ мустаҳкам эканига, миллий кредит институтларининг қай даражада капиталлашуви ва ликвидлиги (тўлов имконига), уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига қанчалик қарам эканига, шунингдек, олтин-валюта захирасининг ҳажми, хорижий кредитларни қайтариш қобилияти ва пировард натижада — мамлакат иқтисодиётининг барқарорлик, диверсификация ва рақобатга бардошлик даражасига боғлиқ.

Тўртинчидан, жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ”⁵ Моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш иккита зарур таркибий қисмдан: бир томондан, моддий ресурслар (хом ашё, асбоб-ускуналар ва ҳоказо)дан ва иккинчи томондан, инсон ресурсларидан, яъни касб малакалари ва билимларига эга бўлган ходимлардан иборат. Бошқачароқ қилиб айтганда, мамлакат аҳолисининг бир қисми бўлган инсон ресурслари моддий ресурслар билан бир қаторда иқтисодий ривожланиш омили сифатида ҳам намоён бўлади. Бироқ бу омиллар ўз хусусиятларига қараб бир-бирларидан муҳим белгилари билан фарқланади.

Инсон ресурслари - булар одамлардир, улар фақат моддий неъматлар яратиб қолмай, шу билан бирга уларни истеъмол ҳам қиладилар. Одамлар ўзларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари жиҳатидан унчалик бир хил эмаслар. Бунга уларнинг жинси, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи, маълумот даражаси ва бошқа ижтимоий, психофизиологик сифатлари сабаб бўлади. Шунинг учун бир киши иккинчисига ўхшамайди.

Иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохий ўзгаришлар даврида ҳамма нарсаларни инсон эҳтиёжлари ва тақдири билан мувофиқлаштириш муҳимдир.

• Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. Т.: - Ўзбекистон, 2009.6бет

Мехнат ресурслари мамалакат аҳолисининг ўз психофизиологик ва ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кўрсатишга кодир бўлган қисмидан иборатдир.

Мехнат ресурслари деб, ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тўпламига айтилади.

Бу таърифдан шу нарса келиб чиқадики, меҳнат ресурслари ўзига иқтисодиётда меҳнат билан банд бўлган кишиларни ҳам, меҳнат билан банд бўлмаса ҳам меҳнат қилишлари мумкин бўлган кишиларни ҳам камраб олади. Бошқача айтганда, меҳнат ресурслари ҳақиқий (реал) ва потенциал ходимлардир.

Маънавий ривожланиш даражаси деганда умумтаълим ва касбий билимлар ҳамда кўникмалар, шахсий хусусиятлар тушунилади. Бу хусусиятлар инсоннинг танлаган фаолият соҳасида муваффақиятли ишлаши учун зарур шарт ҳисобланади.

Инсоннинг ҳар иккала сифати бўлган жисмоний ва маънавий ривож тасвирларининг аҳамияти иқтисодиётнинг ривожланиб боришига қараб доимий ҳолда ўзгариб боради. Бу ҳол, ўз навбатда меҳнат соҳасидаги мавжуд жаҳон тамойилини тўлиқ акс эттиради, иқтисодиётда ва умуман, жамиятда тез ва чуқур ўзгаришлар бўлиб турган даврларда кишиларнинг жисмоний ва маънавий фазилатлари роли айниқса ортади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш эса аксинча, инсоннинг ташаббускор ва фаол бўлишини назарда тутади. Унинг қандай яшаши ўзининг янги иқтисодий тизимга сингиб у билан ҳамохонг бўлиб кетиш маҳоратига боғлиқ. Инсоннинг жисмоний имкониятлари ва маълумотлилиқ даражаси, маънавияти қанчалик юқори бўлса, бу нарса шунчалик муваффақиятлироқ кечади.

Зарур жисмоний ва маънавий имкониятлар инсоннинг ёшига боғлиқ. Улар инсон ҳаётининг илк ва етук даврларида шаклланади ва ривожланиб боради, қарилик чоғида эса, табиий равишда бирмунча камайиб боради.

Ёш чегараси эркаклар 59 ёшга, аёллар 54 ёшга етгандан сўнг пенсия олиш ҳуқиқи билан белгиланади. Бироқ бу қоидадан истисно ҳам бор. Организмга

юксак рухий физиологик босимлар билан боғлиқ касб фаолиятининг айрим турлари учун пенсия чизиги сезиларли равишда 5-10 йилга пастроқ, баъзан ундан ҳам кўпроқ. Бу ерда имтиёзли шартларда қарилик пенсияси тизими амал қилади. Аёллар учун пенсия ёши одатдаги халқаро тажриба даражасида бўлсада, ҳамма жойда эркакларнинг ўртача умир кўриши аёлларга нисбатан сезиларли равишда камроқдир.

Бу нарса кўп ҳолларда ноқулай оғир меҳнат шароитлари билан боғлиқдир. Шунингдек, бу нарса зарур бўладиган “меҳнат шакли”ни сақлаш имкони йиллар ўтиши билан йўқолиб борадиган касблар билан шуғулланиш учун (масалан балет) ҳам тааллуқлидир.

Меҳнат ресурслари миқдорий жиҳатдан иқтисодий фаол ва иқтисодиётда банд бўлган аҳолига нисбатан катта. Иқтисодий фаол аҳоли эса иқтисодиётда банд бўлган аҳолидан миқдор жиҳатдан катта.

Нафақа ёшидагилар ва меҳнат қилиш қобилиятига эга ўсмирлар ҳам аҳолининг каттагана қисмини ташкил этади. Лекин жамият учун фаол меҳнат ресурслари 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар ва 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ҳисобланади. Иқтисодий фан шу меҳнат ресурсларидан энг фаоли бўлганларни, яъни 22 ёшдан 33 ёшгача бўлган кишиларни алоҳида ўрганади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари меҳнат ресурслари асосий ва ёрдамчи гуруҳларга бўлинади. Асосий меҳнат ресурсларига 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар, 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, ёрдамчи меҳнат ресурсларга 14-16 ёшдаги ўсмирлар ва нафақа ёшидаги аёл ва эркаклар киради. Улардан асосан қишлоқ хўжалиги йилининг айрим даврларида фойдаланилади. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш шу тармоқнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқади. энг аввало қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши мавсумий характерга эга. Натижада ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиқиб, йилнинг айрим даврларида меҳнат ресурсларининг бўш қолиш ҳолати юз беради. Қишлоқ хўжалигида иш даври билан ишлаб чиқариш даврининг мос тушмаслиги ҳам меҳнат ресурсларининг вақтинчалик бекор қолишига сабаб бўлади. Масалан, пахта

чигити экилгандан кейин то, у униб чиққунча 15-20 кун ўтади. Бу даврда ишчи ходимлар бекор қолади.

Қишлоқ хўжалигида ер асосий восита бўлганлиги учун ишлаб чиқаришни жойлаштириш, ихтисослаштириш танлашга таъсир қилади. Бу эса, ўша ишлаб чиқариш тури талаб қиладиган меҳнат ресурсларини талаб этади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш йирик майдонларда ташкил этилади. Шунга яраша меҳнатни ташкил этиш ҳам маълум талабларга жавоб берадиган қилиб танланади. Қишлоқ хўжалиги меҳнат ресурслари нисбатан паст малакага эга. Уларнинг бир ердан иккинчи ерга кўчиб ўтиш даражалари ҳам жуда паст. Бу муаммо ҳам улар бор жойда ишлаб чиқаришни, турли хизмат турларини имкони борича максимал даражада ташкил этишни талаб қилади.

Мамлакат банд бўлган меҳнат ресурсларининг 27 фоизи давлат секторида, 73 фоизи эса нодавлат секторида хизмат қилмоқдалар.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, реал ҳаётда кўпгина "имтиёзли пенсионерлар" аввалги касбларида ёки бошқа ишларда ўз ишларини давом эттирмоқдалар, шунинг учун ҳам улар меҳнат ресурслари таркибида қоладилар. Ишламаётган пенсионерлар эса меҳнат ресурсларининг таркибидан чиқарилади.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишиларнинг маълум қисмини сира ишламаган ёки соғлиғи ёмон бўлганлиги учун ишлашдан тўхтаган кишилар ташкил этади. Бу ўринда гап I ва II гуруҳ ногиронлари ҳақида бормоқда, давлат уларни пенсия билан таъминлаб туради. Бу кишилар меҳнат ресурслари таркибига киритилмайди. Бироқ I ва II гуруҳ ногиронларининг айримлари (агар ишлаб чиқаришда қулай шароитлар яратилса) ишлашлари мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишлаши мумкин бўлган, давлат томонидан пенсия ёши белгиланган ёшгача бўлган фуқоралар меҳнат ресурсларига киради (I ва II гуруҳ ногиронларидан ишламайдиганлари бундан мустаснодир). Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли орасида ишламайдиган ногиронларнинг сони нисбатан камроқ ва нисбатан барқарордир.

"Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнат қилишга қобилиятли аҳоли" тушунчасини таърифлаб олгандан кейин меҳнат ресурсларига кирадиган фуқороларнинг бошқа категорияларига - ишлайдиган ўсмирлар ва ишлайдиган пенсионерларга ўтиш мумкин.

Фуқороларнинг ана шу қисми мамлакат хўжалигидаги меҳнат билан бандлигининг ҳуқуқий асосини ҳамиша қонун билан белгиланади. Хусусан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда меҳнат ҳуқуқини руёбга чиқариш аҳолининг меҳнат билан бандлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим тамойилларидан бири сифатида тилга олинган.

Ривожланган мамлакатларда аллақачон "иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли" тушунчаси қарор топган. Ҳалқаро стандартларга мувофиқ уларга меҳнат билан банд аҳоли ва иш қидираётган ишсизлар киради. Шунингдек, "фуқоролик жиҳатидан иқтисодий фаол аҳоли" тушунчаси ҳам тарқалган бўлиб, унга ҳарбий хизматчилар киритилмайди.

Шундай қилиб, "меҳнат ресурслари" ўзининг мазмунига кўра, "иқтисодий фаол аҳоли" тушунчасидан кенгрокдир. Иқтисодий фаол аҳолидан ташқари меҳнат ресурслари яна меҳнатга лаёқатли ёшдаги ўқувчиларни ҳам, шунингдек, ана шу ёшдаги уй бекалари ва мамлакатнинг қолган барча аҳолисини, яъни ишсиз бўлмаса ҳам, қандайдир сабабларга кўра, мамлакат хўжалигида иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳам ўз ичига олади.

Мавжуд адабиётларда "иш кучи" тушунчаси кўп ишлатилсада, унинг чегараси аниқ белгиланмаган. Баъзан иш кучи деганда ҳам ҳақиқий ходимлар, ҳам потенциал ходимлар, яъни амалда ўша "меҳнат ресурслари"нинг ўзи тушунилади. Кўпинча бу тушунча тор маънода ~ ходимларнинг умумий сонини англатади. Бунга сабаб шу бўлганки, кўпгина муаллифлар меҳнат бозоридаги вазиятга баҳо берар эканлар, "иш кучига бўлган талаб", "иш кучини таклифи" деган тушунчалардан ҳам фойдаланадилар.

Меҳнат ресурсларининг шаклланиши тушунчаси анча вақтлардан буён иқтисодий адабиётларда ва статистик амалиётда қарор топган бўлиб, ўзига хос

тор касбий атама сифатида ишлатилиб келинади. Бу тушунчанинг нимадан иборат эканлиги ҳикида умумий тарзда қабул қилинган, мунозара талаб қилмайдиган тасаввур йўқ. Биз эса "меҳнат ресурсларини шакллантириш" деганда меҳнат ресурсларининг доимий равишда янгиланиб туриши тушунилади, деб ҳисоблаймиз.

Меҳнат ресурслари қандай шаклланишини аниқлаш учун биз биринчидан, меҳнат ресурсларини урта йирик ёш гуруҳлари бўйича -меҳнатга лаёқатли кишилар, меҳнатга лаёқатли кишилардан ёшроқ ва меҳнатга лаёқатли ёшдан каттароқ кишиларни, иккинчидан, ҳар бир гуруҳ аҳоли сонига, унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни, учинчидан, меҳнат ресурслари ва аҳолининг табиий ва механик ўзгаришдаги умумий ва ўзига хос томонларни кўриб чиқишимиз лозим.

Меҳнат ресурсларининг аксарият кўпчилик қисмини меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли ташкил этади. Меҳнат қилишга лаёқатли ёшдан катта кишилар, ишловчи пенсионерлар ва амалда "ноль" вазифасини бажарувчи шахслар, меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик кишилар, ишловчи ўсмирлар меҳнат ресурсларининг салмоғида у даражада сезиларли роль ўйнамайди.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли. Меҳнат ресурслари таркибига I ва II гуруҳдаги ишламайдиган ногиронлар кирмаслигини эсда тутган ҳолда, дастлаб биз меҳнат қилишга лаёқатли ёшдаги аҳолини, сўнгра унинг меҳнат қилишга қобилиятли қисмини қараб чиқамиз.

Меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқоролар бутун аҳолининг бир қисми бўлиб, уларнинг сони демографик омил таъсирида ўзгариб туради. Уларнинг қанча бўлиши тегишли ёшлардаги ўлим даражасига боғлиқ. Бу шунингдек, меҳнат қилиш ёшига етган ёшлар билан пенсия ёшига етган фуқоролар билан сони ўртасидаги нисбатга ҳам боғлиқ. Улим қанчалик кам бўлса ва меҳнат қилиш ёшига етган фуқоролар бу ёшдан чиққан кишилар ўртасидаги фарқ қанчалик юқори бўлса, меҳнат қилиш қобилиятига етган кишилар сони шунчалик кўп бўлади ёки аксинча.

Иқтисодиётда ҳамиша пенсия ёшдаги кишилар меҳнатидан фойдаланиш «нуқта»лари бўлади. Улар орасида юқори ақлий малака ишлатишни талаб қиладиган фаолият турлари ҳам бўладик, улар инсондан юқори умумтаълим тайёргарлигини ва муайян амалий тажрибани талаб қилади. Кўпгина мактаб ўқитувчилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг муаллимлари, шифокорлар, илмий ходимлар ва бошқа юқори ақлий фаолият турлари вакиллари борки, улар пенсия маррасидан ўтгандан кейин ҳам муваффақиятли меҳнат қилиб қелмоқдалар. Пенсия ёшининг дастлабки беш йилида (эркаклар учун 60-64 ёш, аёлларда 55-59 ёшда) алоҳида фаоллик сезилади.

Ўзбекистондаги 80-йиллар охири-90-йиллар бошидаги иқтисодий ўзгаришлар ўсмирларга қандай таъсир қилган бўлса, пенсионерларга ҳам юқоридаги сабабларга кўра тахминан шундай таъсир қилди. Пенсионерларнинг меҳнат бозори бирмунча кўпайди. Келгусида узоқ муддатли тамойилларнинг таъсир қилиши тобора кўпроқ намоён бўлади, улар вазиятни изга солиб, пенсионерларнинг меҳнат ресурсларини тўлдиришга қўшадиган ҳиссаларини оширади.

Меҳнат ресурслари сони (динамикаси)нинг ўзгариши билан бутун аҳоли сонининг ўзгариши ўртасида табиийки, боғлиқлик бор. Бироқ у биринчи қарашда унчалик кўзга ташланмайди. Меҳнат ресурсларининг сони ҳамиша бутун аҳоли сони каби ўзгаравермайди. Ўзгаришлар турли йўналишларда бўлиши ҳам мумкин. Биз «меҳнат ресурслари» тушунчаси тўғрисидаги тасаввур кенгрок бўлиши учун уларнинг ўзаро боғлиқлигини махсус қараб чиқамиз.

Меҳнат ресурслари бутуннинг қисми сифатида аҳолининг такрор ишлаб чиқарилиши (яъни унинг доимий равишда тикланиб туриши)ни акс эттиради. Шунинг учун меҳнат ресурслари сонининг динамикаси пировард натижада аҳоли сони динамикасини акс эттиради.

Ўсмирлар ва пенционерларнинг меҳнат билан бандлик даражасидаги ўзгаришлар фақат меҳнат ресурсларига эмас, балки аҳолининг сонига ҳам дахлдордир.

Туғилишдаги фарқлар дарҳол аҳоли сонининг ошишига таъсир қилади, меҳнат ресурсларида эса фақат 16 йилдан кейин акс этади. Қанча киши пенсия ёшига етиши фақат меҳнат ресурсларига таъсир қилади, бутун аҳоли сонига дахлдор бўлмайди.

Меҳнат ресурсларининг аксарият қисмини меҳнат қилишга лаёқатли ёшдаги меҳнатга қобилиятли аҳоли ташкил этади. Шунинг учун ҳам меҳнат ресурсларининг динамикасига хос хусусиятлар кўпроқ даражада меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли билан боғлиқдир.

Бутун аҳолининг ва унинг меҳнаткаш қисмидаги динамиканинг хилма-хил йўналишда яққол ифодаланган ўзгариши воқеаларнинг нормал боришдан четга чиқиш деб қаралади. Ана шу сабабли нормал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун ноқулай шарт-шароит яратади.

Шундай қилиб, биз меҳнат ресурслари бутун аҳолига тааллуқли жараёнлар билан бевосита боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, меҳнат ресурслари динамикасининг маълум даражада нисбий «мустақиллиги»га эътиборни қаратамиз. У мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бўлган демографик асосни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Шу маънода «меҳнат ресурслари» ижтимоий ва демографик ривожланишни таҳлил қилиш ва асослаб беришнинг ўзига хос усулологик воситаси бўлиб майдонга чиқади.

2-БОБ. Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлили.

2.1. Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини жойлашган ўрни ва тупроқ - иклим шароити.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалиги А.Тиллабоев массивининг Жанобод қишлоқ фуқоролар йиғини, Ўртоқлар маҳалла фуқоролар йиғинида жойлашган.

Фермер хўжалиги вилоят марказидан 15 километр, туман марказидан 7 километр узоқликда жойлашган. Пахта тозалаш заводида 6 километр ва дон маҳсулотларини қабул қилиш фермер хўжалигилари мос ҳолда 7 километр узоқликда, фермер хўжалиги туман ОАЖ МТПсидан 7 километр ҳамда Ўзкимё ташкилотидан 8 километр шунинг билан биргаликда Пиллакашлик фермер хўжалигисидан 10 км, нефтбазадан эса 9 км узоқликда жойлашган.

У собиқ “А.Тиллабоев” ширкат хўжалиги ҳудудидан 2007 йил 7 мартда туман ҳокимининг №255 сонли қарори билан ташкил этилган. Дастлаб ер участкаси 86,4 гектардан иборат бўлиб фаолият бошлаган, жумладан 80,8 гектари экин майдони ҳисобланади.

Фермер хўжалигига ер участкаси 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун берилди. Ушбу ерларни суғоришда фермер хўжалиги А.Тиллабоев сув истеъмолчилари уюшмаси оқава сувларидан суғориб келади.

Фермер хўжалиги шарк томонидан Тиллабоев олтин даласи фермер хўжалиги билан, жануб томонидан Мойгир Дилшод фермер хўжалиги билан, шимол томонидан Юлдузхон порлок хотираси фермер хўжалиги билан ва ғарб томонидан Яккатут Дилшод фермер хўжалиги билан чегарадош ҳисобланади.

Фермер хўжалиги деҳқончиликка, хусусан пахта ва ғалла йўналишига ихтисослашган.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалиги Избоскан туманидаги Микрокредит банкида ҳисоб рақамини очган бўлиб,

банк х\р 202080007487048, МФО 600063, солиқ тўловчининг ИФН 305546 билан ўз операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалиги 49 йил муддатга ижарага берилган ер участкасининг мелоратив ҳолати талаб даражасида бўлиб ер ости сувларидан 5-6 метр чуқурликда жойлашган, ерлари шурланмаган. Тупроги қора тупрок ҳисобланиб нисбатан олинганда тупрок унумдорлиги, фойдали элементлар ва гумус микдори ўртача .

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида ер участкасидан фойдаланиш ҳолати ҳам юқори даражада бўлиб йилдан-йилга экинлар алмашлаб экилади. Пахта ҳосилдорлиги 38 центнерни, бугдой ҳосилдорлиги эса 67,2центнерни ташкил этади.

Фермер хўжалиги А.Тиллабоев массивидаги илгор хўжаликлардан бири ҳисобланади.

1-жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигининг узок муддатли ижарага берилган ер участкасининг ҳолати ҳақида маълумот берилган.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигига ажратилган 86,4 гектар ер участкаси 5та контурдан ташкил топган бўлиб, карталарнинг ўртача 17,2 гектардан иборат. Ер участкаларининг бонитет бали 4 кадастр гуруҳини 7-синфининг 61-70 балгача бўлган бонитет балини 70балига тўғри келади.

Жумладан 80,8 гектари экин майдони бўлиб, шундан 48 гектарига пахта, 42,8 гектарига бугдой экилган. Сугориш картасининг ҳажми унда техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини беради. Сабаби юқоридаги талабларга жавоб бера олиши учун сугориш карталарининг ҳажми камида уч гектарни ташкил этиб, бир томонининг ўзунлиги 1000 метрдан кам булмаслиги керак. Бу жихатдан фермер хўжалигида сугориш карталарига куйилган талабларга тула жавоб беради.

**Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер
хўжалигига ижарага берилган ер участкаларини тупрок банитет
баллари тўғрисида маълумот**

1-жадвал

Тўр	Ер участкалари		Бонитет Баллари	Ер майдони	Ўртача бонитет балл	Карта лар сони
	Кадастр гуруҳи	синф				
1	1 кадастр гуруҳи	1-синф	0 дан 10гача			
		2-синф	11 дан 20гача			
2	2 кадастр гуруҳи	3-синф	21 дан 30гача			
		4-синф	31 дан 40гача			
3	3 кадастр гуруҳи	5-синф	41 дан 50гача			
		6-синф	51 дан 60гача			
4	4 кадастр гуруҳи	7-синф	61дан 70гача	86,4	70	5
		8-синф	71 дан 80гача			
5	5 кадастр гуруҳи	9-синф	81 дан 90гача			
		10-синф	91дан 100гача			

Хўжалик ерлари пахта ва буғдой етиштириш учун анча қулай ерлар ҳисобланади. Хўжаликнинг тупроғи қора тупроқ, тупроқдаги фосфор миқдори 33-45 мг/кг, калий 110-178 мг/кгни ташкил этади ва бу ўртача меъёр ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига органик ўғит солиш меъёри 15-20 тоннани азот 160-200 кг ни фосфор 170-190 кг ни калий 70-95 кг ни ташкил этади.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини ўрганиш давомида унинг билан танишдик.

2-жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини экин майдони ва уни таркиби берилган.

2012-2014 йиллар давомида фермер хўжалигини жами экин майдони ўзгармаган. Жумладан пахта майдони 115,6 фоизга ёки 45 гектардан 52 гектарга кўпайган, буғдой экин майдонлари 80,4 фоизга ёки 35,8 гектардан 28,8 гектарга камайган.

**Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигининг
экин майдони ва унинг таркиби тўғрисидаги
маълумот**

2-жадвал

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлч бир	2012 йил	2013 йил	2014 йил	2014 йил 2012 йилга нисбатан.	
						Фарқи +,-	салмоғи %
1.	Жами экин майдони	га	80,8	80,8	80,8	-	100,0
	Пахта майдони	га	45,0	48,0	52,0	7,0	115,6
	Салмоғи	%	55,7	59,4	64,4	8,7	115,6
	-ҳосилдорлик	ц/га	32,8	33,0	35,0	2,2	106,7
	-ялпи ҳосил	ц	1476,0	1584,0	1820,0	344,0	123,3
	Буғдой майдони	га	35,8	32,8	28,8	-7,0	80,4
	Салмоғи	%	44,3	40,6	35,6	-8,7	80,4
	-ҳосилдорлик	ц/га	60,0	62,0	67,0	7,0	111,7
	-ялпи ҳосил	ц	2148,0	2033,6	1929,6	-218,4	89,8
2.	Ходимлар сони	нафар	42,0	46,0	48,0	6,0	114,3
	-пахтада	нафар	36,0	40,0	43,0	7,0	119,4
	-буғдойда	нафар	6,0	6,0	5,0	-1,0	83,3
3.	Ерни банитет бали	балл	70,0	70,0	70,0	-	100,0

Жами экин майдонига нисбатан 2014 йилда пахта ва ғалла майдонини 64,4/35,6 фоизни ташкил этган. Шу билан бир вақтда пахта ҳосилдорлиги 106,7 фоизга кўпайган, буғдой ҳосилдорлиги 111,7%га ортиши таъминланган.

Фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги ўртача бўлиб, гектарига 35 центнерни ташкил этади, ғалла бўйича ҳам яхши кўрсаткичга эга, яъни 67 центнерни ташкил этади. Лекин хўжаликда пахта ва ғалла ҳосилдорлигини янада кўтариш имкониятлари мавжуд. Фермер хўжалигида пахтани АН-35 нави, буғдойни эса Таня нави экилади.

Жумладан, хўжаликка узоқ муддатга ижарага берилган ер участкасининг банитет бали 70 ни ташкил этиб уни кўтариш чора-тадбирларини куриш лозим. Яъни ер участкасининг мелоратив ҳолатини ошириш мумкин.

Ундан ташкари хўжаликда самарали технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ҳам бор. Фермер хўжалигида ҳисобот йилида 48 нафар ходимлар фаолият кўрсатиб ундан 43 таси пахтачиликда ва 5 таси дончиликда банд.

3-жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигининг аъзолари ва шартнома асосида ишлаётган ходимларнинг таркиби тўғрисида маълумотлар берилган. Фермер хўжалигида 3нафар аъзо ва 45 нафар шартнома асосида ишлаётган ходимлар мавжуд бўлиб, ишлаб чиқариш бўйича иш тажрибалари талаб даражасида, лекин уларни касбий тайёргарлиги ва маълумоти тўғрисида бундай ҳулосага келиш мумкин эмас.

Сабаби фермер хўжалиги ҳисобчиси Ф. Нодиров олий маълумотли, 25 йиллик иш стажига эга.

Фермер хўжалиги раҳбари Мўйдинов Лутфулло ака 1957 –йили таваллуд топган, маълумоти ўрта.

Мактабни 1975 йилда тамомлаб, шу йилдан бошлаб 2007 йилгача Тиллабоев ширкат хўжалигида ишчи бўлиб ишлаган .

2007 йилдан бошлаб Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалиги бошлиги вазифасини бажариб келмокда. Жами иш стажы йил бўлиб қишлоқ хўжалигида 40 йилдан буён ишлайди.

Колган ходимларга тўхталадиган бўлсак, аъзоларнинг орасида бир нечтасининг маълумотлари ҳам ўрта махсус бўлиб , уларнинг орасида бири ҳисобчи, колганлари ишчи ва сувчи, ходимларнинг кўпчилиги оддий деҳқонлардир. Шунинг учун ҳам хўжаликда ходимларнинг касбий тайёргарлигига ва маълумотига алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда ҳар бир ходимнинг камида 4-6 та бир-бирига яқин бўлган касбий тайёргарликларни эгаллашлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Хўжаликда ишловчилар орасидан барчаси оилали.

**Андижон вилояти Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи
фермер хўжалигини аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот.**

3-жадвал

№	Аъзоларининг исми ва шарифи	Туғилган йили	маълумоти	касби	Иш ста жи	Ф/ х бошлиғига қариндош- уруғчилик алоқаси	Қўшимча эгал лаган касби
1.	Мўйдинов Лутфулло	1957	ўрта	Ф/ х бошлиғи	35	ўзи	Шофёр
2.	Нодиров Ф	1963	Олий	хисобчи	24	бегона	йўқ
3.	Абдулаев Ш	1965	Ўрта	Иш юритувчи	24	бегона	йўқ
4.	Шарипов Ж	1970	Ўрта	сувчи	20	бегона	йўқ
5.	Мухтаров О	1965	Ўрта	сувчи	21	бегона	йўқ
6.	Давронбеков У	1962	Ўрта	сувчи	26	бегона	йўқ
7.	Иномидонов Х	1968	ўрта	Ишчи	22	Бегона	Ошпаз
8.	Абдурахимова М	1973	ўрта	ишчи	9	бегона	йўқ
9.	Рахимов Ф	1963	ўрта	сувчи	20	бегона	йўқ
10.	Собиров Ш	1959	ўрта	сувчи	3	бегона	йўқ
11.	Абдуллаева М	1965	ўрта	ишчи	6	бегона	сваршик
12.	Ғоипов Р	1976	ўрта	ишчи	11	бегона	дурадгор
	Иномидинова Р	1980	ўрта	ишчи	9	бегона	йўқ
13.	Рахимова У	1974	ўрта	ишчи	13	бегона	йўқ
14.	Қурбонов Н	1982	ўрта	ишчи	8	бегона	ошпаз
15.	Шохмирзаев З	1984	ўрта	сувчи	7	бегона	йўқ
16.	Ибрагимов С	1985	ўрта махсус	Ишчи	5	бегона	йўқ
17.	Жалилов А	1973	ўрта махсус	Тракторчи	13	бегона	йўқ
18.	Мадаминова Н	1979	ўрта махсус	Ишчи	10	бегона	йўқ
19.	Тошпўлатова М	1987	ўрта махсус	Ишчи	4	бегона	йўқ
48	Худойберганова Ф	1991	ўрта	Ишчи	5	бегона	йўқ
	Жами 48 нафар						

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини моддий техник базаси яхши таъминотга эга.

Асосий воситалар деб- ишлаб чиқариш жараёнида кўп марта қатнашиб, ўзининг қийматини маҳсулотга қисман ўтказадиган воситаларга айтилади. Асосий воситалар таркибига қуйидагилар киради: тракторлар, комбайнлар, кишлоқ хўжалиги машиналари, автомашиналари, бино- иншоатлари, кўп йиллик дарахтзорлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар ва бошқа ўзоқ муддат фойдаланиладиган воситалар киради.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини моддий-техника базасини қуйидаги маълумотлар асосида кўриб чиқамиз.

4- жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалиги кишлоқ хўжалиги техникаларига керакли кишлоқ хўжалиги машиналари билан тўла таъминланган.

**Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида
1.01.2015 йил ҳолатига мавжуд кишлоқ хўжалиги техникалари ва
уларнинг ҳолати тўғрисидаги маълумот**

4 -жадвал

№	Асосий воситалар тури	Мик дори	Маркаси	Сотиб олинган йили	Баланс қиймат и мин.сўм	Сал моги %	Ишга ярок лиги
1.	Шийпон	1	Типавой	2006	29690	15,0	Иш.яр
2.	Тракторлар	4	Х	Х	149531	75,4	Иш.яр
	-чоппик	2	ТТЗ-80	2007	74051	37,4	Иш.яр
	-хайдов	1	БДТ-150	2007	68960	34,8	Иш.яр
	-транспорт	1	МТЗ-80	2007	6520	3,3	Иш.яр
4.	Тиркалма воситалар	8	Х	Х	20890	10,4	Иш.яр
	култиваторлар	2	КРХ-4	2007	4800	2,4	Иш.яр
	-прицеп	2	2ПТС	2009	4800	2,4	Иш.яр
	-сеялкалар	1	СМХ-4	2007	3800	1,9	Иш.яр
	-чизел	1	ЧКУ-4	2007	800	0,4	Иш.яр
	-барана	1	МВ-6	2007	800	0,4	Иш.яр
	-омач	1	ПЯ-3,35	2007	1200	0,6	Иш.яр
	-текизловгич	1	ГН-4	2007	1800	0,9	Иш.яр
Х	Жами	12	Х	Х	195321	100,0	Иш.яр

Фермер хўжалиги 2007 йилда ТТЗ-80 маркали 2 та тракторни 74051000 сўмга 10 йилга лизингга олган, бундан ташқари 2 та культиватор, 2 та сеялка, 1 та чизел, 1 та ер текислаш агрегати, 1 та омоч, 1 та шарбат ташидиган махсус бочка ва шу каби бошқа мосламалари бор. Барча техникалар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг техник жиҳатдан созлиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

Бундан ташқари фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тўзиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган, йирик ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёнида самарали технологияларни қўллаш ва улардан фойдаланиш бўйича юқори даражадаги магнит асосида суғориш технологиясидан самарали фойдаланиб 2014 йилда тумандаги илғор фермер хўжаликлари қаторига қўшилган.

2.2 Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ва уларнинг тахлили.

Самарадорлик тушунчани тўлиқ англаб етиш учун энг аввало “самара”, “самарадор”, “самарадорлик” атамаларнинг мазмунига тўхталамиз. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да (Москва, “Русский язык” нашриёти, 1981. 17 бет) “самара” сўзига қуйидагича изоҳ берилган. “Самара” натижа, оқибат; мева. “Самарадор” сўзини кутилганича ёки ундан ҳам ортиқ самара берадиган; самарали, сермахсул деб изоҳлаган. “Самарадор меҳнат”ни унга мисол тариқасида келтириб қўйган. “Самарадорлик” атамасини самарадор сўзининг изоҳига киришни кўрсатиб, иқтисодий самарадорлик, меҳнат самарадорлигини оширмоқ каби сўзлар билан изоҳланган.

Ҳақиқатда ушбу атамаларга изоҳ беришда номи зикр этилган изоҳли луғатда иқтисод нуқтаи назаридан келиб чиқилган. Лекин ушбу тушунчаларни иқтисодиётга тадбиқ қилиш учун уларга янада аниқлик киритиш лозим.

“Самара”- деганда, иқтисод нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бирорта иқтисодий жараёнда эришилган натижа тушунилади. Ёки бирорта иқтисодий фаолият натижасини ҳам самара сифатида қабул қилиш мумкин. Шуниндек, асосий воситалар, айланма маблағлар ёки меҳнатнинг ишлатилишидан олинадиган натижани ҳам самара сифатида ифодалаш мумкин. Масалан, ишлаб чиқаришда эришилган натижа тайёр маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш, савдода товар айланмаси ҳажмига эришиш, хизмат соҳасида эришилган натижа - маълум нафар одамларга хизмат қилиш, ишнинг натижаси - шунча ишни бажариш ва ҳ.к. Демак, бирор онгли фаолиятнинг маълум натижага эришиши бу самара деб айтилар экан.

“Самарадор” атамаси бирор фаолият ёки предметни ишлатишнинг серунумлилигини англатади. Масалан, олий маълумотли малакали кишининг меҳнати оддий малакасиз кишининг меҳнатига нисбатан самарадор, серунум. Бироқ у “самарадорлик” атамаси билан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да

таъкидланганидек, синоним сўзлар эмас. Самарадор сўзи, кўп ҳолларда келгуси замон маъносида ишлатилади. Самарадорлик эса содир бўлган жараёни ифодалайди, яъни ўтган замон маъносида ишлатилади.

“Самарадорлик” - бу том маънода натижавийликдир. Бирорта содир бўлган иқтисодий жараёнинг қандай натижа билан якунланганлигини ифолайдиган тушунча. Самара ва самарадор сўзлари иқтисодиётда асосан мутлоқ кўрсаткичлар билан ифодаланса самарадорлик сўзи нисбий кўрсаткичлар билан ифодаланади. Масалан, нон ишлаб чиқариш соҳасини олайлик. Унда бир ойда 600,0 минг нон ишлаб чиқарди деб фараз қиламиз. Бу кўрсаткич нон ишлаб чиқарувчи фермер хўжалигининг самараси. Лекин шу миқдордаги нонни неча киши ишлаб чиқарди. Фараз қиламиз 10 киши. Демак, ҳар бир киши бир ойда 60,0 минг ($600,0 : 10$) донадан нон ишлаб чиқарибди. Бу ерда 60,0 минг ушбу нон ишлаб чиқарувчи фермер хўжалигидаги бир кишининг меҳнат самарадорлиги ёки меҳнатнинг натижавийлигини ифодалайди.

Ушбу фермер хўжалигида оддий учта тандир билан 600,0 мингта нон ишлаб чиққан, иккинчи бир шундай фермер хўжалигида битта электр қувватига мослаштирилган печ билан 700,0 мингта нон ишлаб чиқилган деб фараз қиламиз. Биринчисида, таъкидланганидек, ўн киши ишлаган бўлса, иккинчисида тўрт киши ишлаши мўлжалланган. Энди савол туғиладики қайси фермер хўжалиги самарадор. Албатта электр қувватига мослаштирилган печга эга бўлган фермер хўжалиги ҳар томонлама самарадор. Чунки унда биринчидан, одам сони кам, иккинчидан эса, кўп маҳсулот етиштириб беради.

Энди ушбу тушунчаларни бевосита меҳнатга, меҳнат салоҳияти ва ресурсларига тадбиқ қиладиган бўлсак қуйидагича хулосаларни қилиш мумкин.

Меҳнат самараси деганда маълум вақт бирлигида (кун, ой, чорак, йил) эришилган натижа билан ифодаланган кўрсаткич тушунилади. Масалан, меҳнатнинг самараси ишлаб чиқариш соҳасида яратилган тайёр маҳсулот,

даромадлар ёки фойда кўрсаткичларида ифодаланиши мумкин. Савдо соҳасида товар айланмаси (обороти), яъни даромад ва фойда билан ифодаланса, нақлиёт соҳасида юк айланмаси (обороти) каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Меҳнат самарадорлиги деганда унинг натижавийлиги, яъни маълум вақт бирлигида битта ходимга (бир меҳнат салоҳиятига) тўғри келадиган натижа билан ўлчанади. Масалан, ишлаб чиқаришда бир кишига тўғри келадиган тайёр маҳсулот ҳажми, бир кишига тўғри келадиган даромад ёки фойда каби кўрсаткичларни киритиш мумкин. Савдо соҳасида ҳам худди шундай ҳолатни айтиш мумкин. Масалан, тайёр маҳсулот ўрнига бу ерда товар айланмаси (обороти) олинади. Қолган кўрсаткичлар номи бир-бирига тўғри келади.

Кўриниб турибдики меҳнат самараси бу мутлоқ кўрсаткич, унинг самарадорлиги эса нисбий кўрсаткичларда ўз ифодасини топган.

Таҳлил жараёнида шуни инобатга олиш лозимки меҳнат ҳам унинг натижаси ҳам турли кўрсаткичларда ифодаланади. Масалан, меҳнат натижаси маҳсулот ҳажмида, даромад ёки фойда суммасида ифодаланиши мумкин. Таҳлилнинг мақсадига қараб ушбу кўрсаткичлардан бирини ёки ҳаммасини натижа сифатида қабул қилиш мумкин. Худди шундай меҳнат ҳам турли кўринишда ифодаланади. Масалан, фермер хўжалигида банд бўлган умумий ходимлар сони, фермер хўжалигида банд бўлган ишчилар сони, мутахассислар, бошқарув ходимлари, хизматчилар кабиларни олиш мумкин.

Шу туфайли меҳнат самарадорлиги тўғрисида тўлиқ ва батафсил хулоса қилиш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимидан (системасидан) фойдаланиш мақсадага мувофиқ деб ўйлаймиз. Аммо кўрсаткичлар тизимига тақрибан ёндашиш, улар таркибига нима тўғри келса киритавериш мумкин эмас. Шу туфайли меҳнат самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш ва аниқлаш мезонини ишлаб чиқиш лозим. Бунда меҳнат, меҳнат ресурслари билан бирга улардан фойдаланишда кетадиган харажатлар, иш

кучининг қиймати, иш хақи каби тушунчаларни ҳам инобатга олиш лозим, чунки бозорли иқтисодиёт кўп ва сифатли маҳсулот яратиш билан биргача унинг тежамли бўлишини ҳам тақозо қилади.

Иқтисодий самарадорликни ошириш борасидаги тадқиқотлар умумиқтисодий муаммо сифатида мамлакатимизнинг қатор назариётчи ва амалиётчи олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Қишлоқ хўжалик фермер хўжалигиларининг иқтисодий самарадорлик даражасига бир қанча омиллар таъсир этади. Тармоқнинг фойда суммасини ҳамда рентабеллигини ортишига асосий маҳсулотларнинг ишлаб чиқариб сотиш натижасида эришилган ютуқлар катта таъсир кўрсатмоқда

Фермер хўжалигининг ривожланиши имкониятлари куп жихатдан унинг иқтисодий самарадорлигига боғлиқдир. Иқтисодий самарадорликка мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб оқилона фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин.

Иқтисодий самарадорлик мураккаб иқтисодий категория бўлиб, бир қатор натурал ва қиймат кўрсаткичлари билан ўлчанади.

Натурал кўрсаткичларга ҳосилдорлик, ялпи ҳосил, сарфланган меҳнат миқдори, ер бирлиги ва ходим ҳисобига олинган маҳсулот турларининг миқдори ва шу каби бошқа кўрсаткичлар киради.

Қиймат кўрсаткичлари жумласига ялпи маҳсулот, баҳо, таннарх, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда каби кўрсаткичлар ва уларни ер бирлиги ва ходимга тўғри келиши киради.

Қиймат кўрсаткичлари ичида рентабеллик даражаси алоҳида ўрин тутади. У даромадлар билан харажатларни таққослаш йули билан аниқланиб, бир сумлик харажат ҳисобига олинган фойдани акс эттиради.

Рентабеллик фойдаланиш ва куллаш жихатидан содда ва қулай иқтисодий кўрсаткич ҳисобланиб, ундан илмий тадқиқотда ва амалиётда кенг қулланилади.

Иқтисодий самарадорликка таъсир этувчи омиллар:

- қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳолати, улардан фойдаланиш даражаси;
- хўжаликларнинг ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик ва улардан фойдаланиш даражаси;

- меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш ҳамда рағбатлантирилиши;
- ишлаб чиқаришнинг интенсивлашганлик даражаси;
- чорва ҳайвонлари, уларнинг маҳсулдорлиги;
- баҳолар, солиқлар, тўловлар даражаси;
- сув ресурслари, улардан фойдаланиш даражаси;
- давлат, маҳаллий бюджетдан ажратилаётган маблағ ва бошқалар.

Биз ҳам Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда рентабеллик даражасидан фойдаландик. У самарадорликнинг асосий якунловчи иқтисодий кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

5-жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги анча яхшиланган. Буни биз самарадорликнинг якунловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида охириги уч йил давомида экин майдонлари ўзгармаган ҳолда, экин турлари бўйича экин майдонлари ўзгарган, жумладан пахта майдони 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 15,6 фоизга ёки 7 гектарга кўпайган, буғдой экин майдони эса 19,6 фоизга ёки 7 гектарга камайган.

Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳолатини меҳнат сарфи орқали аниқлаш мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида ҳар бир ходим 8 соатдан ҳақиқатда ишлаши керак, аммо бевосита таъсирлар сабабли 5,2 соат ишлашган. Бу

жами иш вақтини 65 фоизини эгаллайди. Ўртача йиллик иш куни 180соат бўлса, унда меҳнат сарфи 1440 соатни ташкил этади, уни 65 фоизга бўлсак,

**Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер
хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари
тўғрисида маълумот**

5- жадвал

№	Курсаткичлар	улчов бирли- ги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбата н %
1	Экин майдони	га	80,8	80,8	80,8	100,0
	а) пахта	га	45	48	52	115,6
	б) бугдой	га	35,8	32,8	28,8	80,4
2	Асосий воситалар	М.с	195,3	195,3	195,3	100,0
3	Меҳнат сарфи	Киши/ соат	39312	43056	44928	114,3
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	141031,4	162942,6	196271,3	139,2
	Шундан иш хаки	м.с	36356,4	42102,0	53433,7	147,0
5	Ходимлар сони	нафар	42	46	48	114,3
6	Ялпи маҳсулот	м.с	173939,5	209409,2	244593,7	140,6
7	Фойда	м.с	32908,1	46466,6	48322,4	146,8
8	1 га хисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	2152,7	2591,7	3027,1	140,6
	б) фойда	м.с	407,3	575,1	598,0	146,8
9	1 ходим хисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	4141,4	4552,4	5095,7	123,0
	б) иш хаки	м.с	865,6	915,3	1113,2	128,6
10	Рентабеллик	%	23,3	28,5	24,6	+1,3

1 киши учун меъёрий меҳнат сарфи чиқади. Яъни қуйидаги усулда ҳисобланади.

1) $5,2 \text{ соат} / 8 \text{ соат} = 0,65 \%$

2) $180 * 8 = 1440$

3) $1440 * 0,65 = 936$

4) $936 * 42 = 39312$

Демак, Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида 2012йилда 39312 киши соат меҳнат сарфланган бўлса, 2014 йилда эса 44928 киши соат меҳнат сарфланган, яъни 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 14,3 фоизга меҳнат сарфи ортган.

1 гектар экин майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 40,6 % га ва фойда эса 46,8 фоизга ошган.

1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 23,0 фоизга ҳамда иш ҳақи эса 28,6 фоизга кўтарилган.

Рентабеллик даражаси шу даврда 23,3 фоиздан 24,6 фоизга яъни +1,3 даражага кўпайган. Эришилган рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражада анча пастдир. Оптимал рентабеллик пахта ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари учун камида 45-50 фоизни ташкил этади.

Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

Пахтачиликда тупроқ унумдорлигини мунтазам яхшилаб бориш, шу асосда пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта майдонларини сув билан таъминланиш даражасини яхшилаш, ишлаб чиқаришга янги биологик ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган пахта навларини жойлаштириш, пахта уруғчилигини такомиллаштириш ҳамда тармоқда алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйиш орқали табиий ва агротехнологик омилларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлашни назарда тутати.

6-жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида пахта ҳосилдорлиги гектарига 32,8 центнердан 35 центнергача ортган. Бунинг асосий омили фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боглик бўлган бошка-

рув тизими, ижтимоий-иқтисодий ва ҳукукий ва агротехнологияга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганлигидан далолат беради.

**Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер
хўжалигини пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик
кўрсаткичлари тўғрисида маълумот**

6-жадвал

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	45	48	52	115,6
2	Хосилдорлик	ц/га	32,8	33	35	106,7
3	Ялпи хосил	ц	1476,0	1584,0	1820,0	123,3
4	Ишлаб чиқариш харажат/и	м.с	90508,3	111315,6	142460,5	157,4
	иш хақи	м.с	25342,3	31724,9	42025,8	165,8
5	Ходимлар сони	нафар	36	40	43	119,4
6	Ялпи маҳсулот	м.с	100716,3	133006,9	166309,8	165,1
7	Фойда	м.с	10208,0	21691,3	23849,3	233,6
8	Фермер даромад	м.с	35550,3	53416,2	65875,1	185,3
9	1ц пахтани таннархи	сум	61320	70275	78275	127,7
10	1ц пахтани сотиш баҳоси	сум	68236	83969	91379	133,9
11	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2238,1	2771,0	3198,3	142,9
	б) фойда	м.с	226,8	451,9	458,6	202,2
12	1 ходим ҳисобига а) ялпи маҳсулот	м.с	2797,7	3325,2	3867,7	138,2
	б) иш хақи	м.с	704,0	793,1	977,3	138,8
13	Рентабеллик	%	11,3	19,5	16,7	+5,5

Шунга мос ҳолда пахтачиликда ялпи маҳсулот ҳажми охириги уч йил мобайнида 65,1 фоизга ва фермер даромади эса 85,3 фоизга ортган.

Пахтачиликда бир ходим ҳисобига иш ҳақи миқдори 704 минг сўмдан 977,3 минг сўмгача кўпайган, бу кўрсаткич охириги уч йил мобайнида

пахтачиликдаги ҳар бир ходим ҳисобига тўланган иш ҳақини 38,8 фоизга ортганлигини кўрсатади. 1 центнер пахта таннархи охириги уч йил мобайнида 27,7 фоизга, 1 центнер пахтанинг сотиш баҳоси эса 33,9 фоизга ортган. Бу ҳолатни талаб даражасидан пастлиги албатта бутун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавжуд маҳсулот баҳолари ўртасидаги номутаносиблик асосида юз берган.

Натижада фермер хўжалиги пахтачилигида охириги уч йил мобайнида ишлаб чиқариш харажатларини ўсиш даражаси ялпи маҳсулотни ўсиш даражасидан паст бўлган. Оқибатда фермер хўжалиги пахтачилигида ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиш даражаси 57,4 фоизни ташкил этгани ҳолда ялпи маҳсулотни ўсиш даражаси 65,1 фоизни ташкил этмоқда.

Юқорида келтирилган пахтачиликдаги иқтисодий курсаткичлар тахлили асосида фермер хўжалиги пахтачилигида иқтисодий самадорликнинг якуний кўрсаткичи бўлган рентабеллик охириги уч йил мобайнида 11,3 фоиздан 16,7 фоизгача кўпайганлигини кўришимиз мумкин.

Лекин рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражадан пастдир, уни камида 30-35 фоизга кўтариш керак. Акс ҳолда хўжалик пахта етиштириш бўйича кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди.

Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжалиги ўзи етиштирган пахта хом ашёсини сотишдан олган фойдаси ҳисобидан ўз ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, ижтимоий ва маданий иншоотларни барпо этиш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш фондларини амалдаги меъёрларга мос ҳолда шакллантира олиши лозим. Демак, фермер хўжалигини фойдаси уни барқарор ривожланиши учун зарур бўлган учта асосий фондларни тўла шакллантиришга етиши керак. Шундагина хўжалик пахтачиликни жадал ривожлантириш асосида уни иқтисодий самарадорлигини талаб даражасига етказиши мумкин.

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, жумладан пахта хом ашёсини етиштириш учун моддий-техника ресурсларидан, ер, сув ва меҳнат

ресурсларидан фойдаланилади. Пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш фермер хўжалигининг маҳсулот етиштириш ва реализация қилишга сарфланадиган барча харажатларининг пулдаги ифодаси бўлган таннархни аниқлашдан бошланади. Шу сабабли маҳсулот таннархи энг муҳим иқтисодий категориялардан бири бўлиб, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг ижобий ёки салбий томонларини ўзида акс эттиради.

Маълумки, пахта хом ашёсини етиштиришда фермер хўжаликларида моддий харажатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларнинг эскиришига амортизация ажратмалари ва бошқа харажатлар сарфланади. Пахтачиликдаги ишлаб чиқариш харажатларининг батафсил тавсифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да келтирилган.

Пахтачиликда иқтисодий самардорликни таъминланиши энг аввало пахта етиштириш учун сарфланадиган харажатларни ўз ўрнида ва самарали сарфланиши билан бевосита боғлиқдир. Бу масалага Хурматли Президентимиз ўзининг «Жаҳон молиявий иқтисодий инкирози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этиш йуллари ва чоралар» асарида батафсил тўхталиб, маҳсулот ишлаб чиқариш соҳаларида сарфланаётган харажатларни камида 20 фоизга камайтириш вазифасини куйдилар. Биз ҳам урганилаётган масала долзарблиги дан келиб чикиб, Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатларини охириги уч йил мобайнидаги иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилдик.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби бўйича тақсимланиши 7-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз. Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоб-

ланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари канча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

**Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер
хўжалигида пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби**

7-жадвал

№	Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
1	Моддий харажат /	51951,8	57,4	64006,5	57,5	83054,5	58,3
	а) уруглик	4615,9	5,1	6456,3	5,8	8405,2	5,9
	б) угитлар	21360,0	23,6	25713,9	23,1	34902,8	24,5
	в) Ё.М.М	16472,5	18,2	18144,4	16,3	25073,0	17,6
	г) иш ва хизматлар	3710,8	4,1	5343,1	4,8	6838,1	4,8
	д) бошка моддий харажатлар	5792,5	6,4	8348,7	7,5	7835,3	5,5
2	Мехнат хаки харажатлари	25342,3	28	31724,9	28,5	42025,8	29,5
3	Ижтимоий ажратма	7421,7	8,2	9684,5	8,7	9829,8	6,9
4	Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	2805,8	3,1	3450,8	3,1	5128,6	3,6
5	Бошка харажатлар	2986,8	3,3	2448,9	2,2	2421,8	1,7
	жами	90508,3	100	111315,6	100	142460,5	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда 2014 йилда 2012 йилга нисбатан ишлаб чиқариш харажатлардаги моддий харажатларнинг улуши анча кўтарилган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Сабаби моддий харажатлар таркибига пахта ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга киради. Улар жумласига уруглик, ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва иш ва хизматлар киради.

Фермер хўжалигида пахта етиштириш харажатлари таркибида ёқилғи мойлаш харажатлари бўлиб, жумладан, пахта етиштириш харажатлари таркибида механизация хизматлари сарфи 33-34 % ни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам техника ва ёқилғи сарфини камайтириш маҳсулот даромадини оширишда таъсир кўрсатадиган амалдир

Маълумки пахтачиликда махсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш кўп жиҳатдан минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва етарли миқдорда таъминланиши, уларни қўллашда аниқ асосланган меъёрларга амалга қилишга боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигида сарфланган ҳаражатлар ўсиши билан етиштирилган махсулотлар таннархларининг ўсиши ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Шунинг учун ҳам ҳар бир сўмни оқилона, мақсадга мувофиқ сарфлашга ҳаракат қилиш, яъни материал, пул ҳамда меҳнат ҳаражатларини тежашга, шу орқали етиштириладиган махсулотларнинг, бажариладиган иш ва хизматларнинг таннархларини пасайтиришга эришиш лозим.

8-жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида давлатга сотилган жами пахта хом ашёсини саноат навлари бўйича тақсимланиши кўрсатилган.

**Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер
хўжалигини сотилган жами пахтасини навлар бўйича тақсимланиши.
8-жадвал**

Саноат нави	Синфлари	2012		2013		2014	
		Миқдори центнер,	%	Миқдори центнер,	%	Миқдори центнер,	%
1	1	1263,5	85,6	1435,1	90,6	1747,2	96
	2						
	3						
	Жами	1263,5	85,6	1435,1	90,6	1747,2	96
2	1	175,6	11,9	148,9	9,4	72,8	4
	2						
	3						
	Жами	175,6	11,9	148,9	9,4	72,8	4
3	1	36,9	2,5				
	2						
	3						
	Жами	36,9	2,5				
4	1						
	2						
	Жами						

5	1						
	2						
	Жами						
	Хаммаси	1476,0	100	1584,0	100	1820,0	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда фермер хўжалигини бирламчи саноат навининг биринчи синфга сотган пахтасини хажми 85,6 фоиздан, 96 фоизга яъни 112,1 фоизга ортган. Бу фермер хўжалигига қўшимча даромадлар олиш асосида самарадорликни янада яхшиланишига имконият яратган.

2012-2014 йилларда Андижон вилоятининг барча ҳудудлари сингари пахта теримини камида 70% кўсаклар очилганда бошланган ва бирданига териб олинган. Теримни отряд усулида олиб бориш ташкил қилинган. Ушбу чора тадбирлар ўз ижобий натижасини берган ҳолда 2014 йилда 96 % қисми ёки 1747,2 ц пахта 1-навга, қолган 4 % қисми ёки 72,8 ц пахта 2-навга топширилган. Ушбу ҳолат фермер хўжалигининг пахтадан салмоқли пул даромади олишининг омили бўлган.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида Ан-35 пахта нави экиб келинган.

Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқца. Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида пахта етиштиришни 15-20% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган пахта етиштиришни кўпайтириш дастури тўзиш зарур.

9-жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида бугдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида охирги уч йил мобайнида бугдой ҳосилдорлиги гектарига 66 центнердан 67 центнергача ортган. Шунга мос ҳолда бугдой етиштиришда ялпи маҳсулот ҳажми охирги уч йил мобайнида 6,9 фоизга ва фойда 7,8 фоизга ортган.

**Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер
хўжалигида бугдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги**

9- жадвал

№	Курсаткичлар	улчов бирли ги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	35,8	32,8	28,8	80,4
2	Ҳосилдорлик	ц/га	60	62	67	111,7
3	Ялпи ҳосил	ц	2148,0	2033,6	1929,6	89,8
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	50523,1	51627,0	53810,8	106,5
	иш ҳақи	м.с	11014,0	10377	11407,9	103,6
5	Ходимлар сони	нафар	6	6	5	83,3
6	Ялпи маҳсулот	м.с	73223,2	76402,4	78283,9	106,9
7	Фойда	м.с	22700,1	24775,3	24473,1	107,8
8	Фермер даромади	м.с	33714,1	35152,4	35881,0	106,4
9	1ц бугдойни таннархи	сум	23521	25387	27887	118,6
10	1ц бугдойни сотиш бахоси	сум	34089	37570	40570	119,0
11	1 га ҳисобига: а)ялпи маҳсулот	м.с	2045,3	2329,3	2718,2	132,9
	б)фермер даромади	м.с	941,7	1071,7	1245,9	132,3
12	1 ходим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	12203,9	12733,7	15656,8	128,3
	б) иш ҳақи	м.с	1835,7	1729,5	2281,6	124,3
13	Рентабеллик	%	44,9	48,0	45,5	+0,5

Бугдой етиштиришда бир ходим ҳисобига иш ҳақи миқдори 1835,7 минг сўмдан 2281,6 минг сўмгача кўпайган, бу кўрсаткич охирги уч йил

мобайнида бугдой етиштиришдаги хар бир ходим ҳисобига тўланган иш ҳақини 24,3 фоизга кўпайганлигини кўрсатади.

1центнер бугдой таннархи охирги уч йил мобайнида 18,6фоизга, 1 центнер бугдойнинг сотиш баҳоси эса 19,0 фоизга ортган. Натижада фермер хўжалиги бугдой етиштиришда охирги уч йил мобайнида ишлаб чиқариш харажатларини ўсиш даражаси ялпи маҳсулотни ўсиш даражасидан паст бўлган. Натижада фермер хўжалиги бугдой етиштиришда ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиш даражаси 6,5фоизни ташкил этгани холда ялпи маҳсулотни ўсиш даражаси 6,9 фоизни ташкил этмоқда. Юқорида келтирилган бугдой етиштиришдаги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили асосида фермер хўжалиги бугдой етиштиришда иқтисодий самандорликнинг якуний кўрсаткичи бўлган рентабеллик охирги уч йил мобайнида 44,9 фоиздан 45,5 фоизгача ёки 0,5 даражага юқорилаган.

10-жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида бугдой етиштиришнинг харажатлари ва уларнинг таркиби акс эттирилган.

**Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида
бугдой етиштиришнинг харажатлари ва уларнинг таркиби**

10-жадвал

Харажатлар тури	2012	%	2013	%	2014	%
Моддий харажатлар	32890,5	65,1	33970,6	65,8	35622,7	66,2
а) уруглик	5860,7	11,6	6195,2	12,0	6834,0	12,7
б) уғитлар	8993,1	17,8	8983,1	17,4	9685,9	18,0
в) Ё.М.М	5961,7	11,8	6298,5	12,2	6242,0	11,6
г) иш ва хизматлар	9397,3	18,6	9499,4	18,4	9739,7	18,1
д) бошка моддий харажатлар	2677,7	5,3	2994,4	5,8	3121,0	5,8
Меҳнат ҳақи харажатлари	11014,0	21,8	10377,0	20,1	11407,9	21,2
Ижтимоий ажратмалар	2677,7	5,3	2581,4	5,0	2798,2	5,2
Асосий воситалар ва номоддий активларни эскириши	1970,4	3,9	2168,3	4,2	1937,2	3,6
Бошка харажатлар	1970,4	3,9	2529,7	4,9	2044,8	3,8

жами	50523,1	100,0	51627,0	100,0	53810,8	100,0
------	---------	-------	---------	-------	---------	-------

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда охириги 3 йилда ишлаб чиқариш харажатлардаги моддий харажатларнинг улуши анча кўтарилган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Сабаби моддий харажатлар таркибига буғдой ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга киради. Улар жумласига уруғлик, ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва иш ва хизматлар киради.

Ишлаб чиқариш харажатлари охириги уч йилда ортиб боришининг асосий сабабларидан бири хом-ашё материалларнинг йилдан йилга баҳолари юқорилаб бориши, ҳамда меҳнатга тўланадиган ҳақларни йилдан йилга ортиб бориши билан шу билан биргаликда экин майдонини ўсиши сабаб бўлган.

Хулоса қилиб айтганда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалиги Избоскан туманидаги барқарор ривожланаётган фермер хўжаликлардан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин, фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича ҳали фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд.

Маҳсулот таннархини пасайтиришнинг йўлларида бири меҳнат унумдорлигини оширишдир. Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичлари 1 ц маҳсулотга меҳнат сарфи, 1 гектар ерга меҳнат сарфи, ўртача 1 ишловчига ялпи маҳсулот ва ялпи фойда ҳамда бир бирлик меҳнат сарфига ялпи маҳсулот, соф фойда ҳисобланади. Бу кўрсаткичлар фермер хўжалигида меҳнатнинг самарадорлигини кўрсатади.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ошириш эвазига бир бирлик маҳсулот етиштириш харажатларини камайтириш имкониятлари мавжуд. Бу эса иқтисодий самарадорликнинг ошишига бориб тақалади.

11- жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини пахта етиштириш бўйича туман солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги туманга нисбатан анча юқоридир. Уни биз иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабелликдан яққол қуришимиз мумкин. Фермер хўжалигида рентабеллик даражаси туманга нисбатан +8,5 даражага юқоридир.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигини пахта етиштириш бўйича туман солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари

11-жадвал

№	Курсаткичлар	Улчов бирлиги	Избоскан тумани	Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалиги	%
1	Экин майдони	га.	8350	52	X
2	Хосилдорлик	ц\га	33,3	35	105,1
3	Ялпи хосил	ц	278055,0	1820	X
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	23020173,5	142460,5	X
	Шундан: иш хаки	м.с	8375000	42025,8	X
5	1ц пахтани таннархи	сум	82790	78275	94,5
6	1ц пахтани сотиш бахоси	сум	89600	91379	102,0
7	Ялпи маҳсулот	м.с	24913728,0	166309,8	X
8	Фойда	м.с	1893554,6	23849,3	X
9	Ходимлар сони		6654,0	43,0	x
10	1 га хисобига:				
	а) ялпи маҳсулот	м.с	2983,7	3198,3	107,2
	б) фойда	м.с	226,8	458,64	202,2
11	1 ходим хисобига:				
	а) ялпи маҳсулот	м.с	3744,2	3867,7	103,3
	б) иш хаки	м.с	1258,6	977,3	77,7
12	Рентабеллик	%	8,2	16,7	+8,5

Лекин рентабеллик даражаси фермер хўжалигида ҳам, туманда ҳам оптимал даражадан паст бўлиб уни камида 30 фоизга етказиш чора-тадбирларини кўриш лозим.

Маҳсулот етиштириш самарадорлигини оширишнинг омилларидан бири хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилишдир. Ушбу тавсияларга риоя қилинганда ялпи ҳосил миқдори 20-22 фоизгача ортиши мумкин. Бундан ташқари хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, хўжалик экин майдонларига солиш керак.

Экинлар ҳосилининг турли касаллик ва зараркунандалар томонидан нобуд бўлишига йўл қўймаслик зарур. Шунинг учун ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматидан унумли фойдаланиш зарур.

Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашнинг яхшиланиши меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг омилларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳаражатлар таркибида техник хизмат кўрсатиш учун ҳаражатлар салмоқли 10-11 фоизни ташкил этмоқда.

Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигига уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва банкдан кредит олиш бўйича тузилган шартномаларини янада такомиллаштириш, моддий ресурсларни хўжаликка етказиб берилишида узилишларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Хўжаликка етказиб берилаётган моддий ресурсларнинг баҳосини хўжалик етказиб бераётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига мутаносиб тарзда қайта кўриб чиқилиши керак. Чунки моддий-техника ресурслари баҳоси юқори бўлиб, бу ўзига хос қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Хўжалик сотаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳарид нархлари эса хўжаликни қониқтирмайди.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида самарадорликни 35-40% гача ошириш

мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш дастурини тузиш тавсия этилади.

3 БОБ. Избоскан туманидаги “Сайфуддин олтин даласи” фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари.

3.1 Избоскан туманидаги “Сайфуддин олтин даласи” фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари

Ҳозирги кунда меҳнат ресурсларининг асосий қисми қишлоқ жойларда шаклланаётган бўлиб, меҳнат қилишга қобилиятли аҳоли йилига ўртача 300-312 минг кишига ошмоқда. Бу анъана яқин 10 йил давомида сақланиб қолишини башорат қилиш мумкин. Шунинг учун меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш устида иш олиб боришимиз зарур. Шунини таъкидлаш лозимки, меҳнат ресурси самарадорлиги кўп жиҳатдан меҳнатни рағбатлантириш, меҳнат мотивациясига боғлиқ.

Бошқача қилиб айтганда, меҳнат ресурсларининг самарадорлигини оширишда ижтимоий омил муҳим роль ўйнайди. Бу ерда меҳнатга ҳақ тўлаш ёки даромаднинг ошишини назарда тутиш керак. Бу масала деҳқон меҳнатининг қадрланиши ёки ишлаб чиқаришнинг микродаражадаги самарасигина бўлиб қолмасдан, балки иқтисодий – ижтимоий масалани ҳам ҳал қилади. Ҳисоб-китобларга қараганда, иқтисодий ислохотлар даврида қишлоқ хўжалигида ўртача иш ҳақи 8 маротабага камайган. Бу эса ўз навбатида кишиларни ишга бўлган муносабатига салбий таъсир кўрсатмоқда ва қишлоқдан меҳнат ресурсини бошқа соҳага кетишини тўхтатиб қолиш бир муаммо бўлса, иккинчи томондан иш ҳақининг камайиши қишлоқ аҳолисини маҳсулот харид қилиш имкониятининг пасайиши ва оқибатда ички бозордаги

товар айланишининг пасайишига олиб келмоқда. Демак, ҳар бир ресурс, шу жумладан, меҳнат ресурсидан ҳам самарали фойдаланиш учун маълум даражада шароит яратилиши зарур. Жумладан, ер ресурси самарадорлиги тупроқ унумдорлиги, сув ресурси суғориш технологияси, минерал ўғитларнинг вақтида ва меъёрга берилиши, техникада тракторлар билан унга тиркаб ишлатиладиган механизмлар комплекси мувозанатини таъминлашни келтириш мумкин.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида ҳам меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда барча қишлоқ хўжалигида мавжуд муаммоларга эътибор қаратиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ресурсларни меъёрдан ортиқча сарфи ҳам яхши самара бермайди. Бу муҳим кўрсаткичга эришиш ресурслар таъминотини оптималлаштириш ва улар ўртасидаги мувозанатни сақлаб туриш билан белгиланади.

Қишлоқда меҳнат ресурслари самарадорлигини оширишда қуйидаги муаммоларга эътибор бериш лозим:

- ишсизлик кўп бўлган қишлоқларда бандлик ва иш жойлари масаласини оқилона ҳал қилиш;
- фермерликни ривожлантиришни бўшаб қолаётган кишиларни иш билан банд қилишни режалаштирилган ҳолда амалга ошириш;
- қишлоқда ноқишлоқ хўжалик соҳаларини ривожлантириш, маҳаллий ресурсларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш;
- ишсизларни ҳисобга олиш, ишсизлик нафақасини беришни ташкил қилиш ва уларни давлат томонидан касб – ҳунар олиши учун ўқитиш ишларини мукаммал тизимини яратиш;
- қишлоқ жойларда якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришга имкониятлар яратиш.

Республикаимиз миқёсида бу кўрсаткич даражаси ҳозирги даврда анча паст. Демак, уни юксалтиришга алоҳида эътибор бериш лозим.


Тармоқда банд бўлган меҳнат ресурслари миқдори ва салмоғининг пасайиши республикада амалга оширилаётган аграр-иқтисодий сиёсатнинг маълум даражадаги натижасидир. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш, уларнинг меҳнати унумдорлигини ошириш мақсадида республика Президенти И. Каримов саноатни қишлоққа олиб бориш зарурлигини асослаган ҳолда исботламоқдалар.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида 2012-2014 йиллар давомида ходимлар сони ўрганганимизда, экин турлари ва майдонларини ўзгариши сабабли уларда турли ўзгаришлар содир бўлган.

1-диаграммада Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида ходимлар сони динамикаси билан танишамиз.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида ходимлар сони динамикаси

1-диаграмма



1-диаграммадаги Избоскан олтин даласи фермер хўжалигида ходимларни ўзгариш динамикасини таҳлил қиладиган бўлсак, охирги уч йилда жами ходимлар сони ортиб борган. Сабаби фермер хўжалигида пахта майдони 7 гектарга кўпайган, буғдой экин майдони эса шу миқдода

камайган. Оқибатда ходимлар сони ҳам 6 нафарга ортган яъни 114,3фоизга ортган.

Экин турлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича ходимлар сони 7 нафарга ортган, яъни 1,2 гектар 1 ходим тўғри келган. 2014 йили 2012 йилга нисбатан 119,4 фоизга кўпайган. Бунинг асосий сабабларидан бири пахта майдонини 7 гектарга кўпайганлиги.

Буғдой экини бўйича ходимлар сони эса 2014 йили 2012 йилга 1 кишига камайган, яъни 16,7 фоизга камайган.

Тармоқда мавжуд бўлган меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этиш, уларнинг меҳнатлари унумдорлигини юксалтиришда моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг, яъни уларни меҳнатларига ҳақ тўлаш, яхши ишлаганларини эса рағбатлантиришнинг аҳамияти улкан. Ҳозирги даврда давлат, хусусий ҳамда жамоа мулкчилигига асосланган хўжаликларда шартнома асосида фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган миқдорда меҳнат ҳақи тўланмоқда. Қишлоқ хўжалик корхоналарида вақтбай усулда иш ҳақи белгиланганлар меҳнатларига 22 разряд асосида ҳақ тўланмоқда. Ишбай усулдагиларга эса таъриф разрядларига асосланган ҳолда тариф ставкалари белгиланган. Тариф разряди, ставкасига асосланган ҳолда уларни меҳнатларига ҳақ тўланмоқда. Ҳозирги даврда минимал иш ҳақи миқдори ҳам белгиланган. Лекин эркин бозор иқтисоди шароитида меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг энг кам миқдори белгиланади. Юқори даражаси эса хўжаликларнинг иқтисодий имкониятларидан ҳамда ишчи-хизматчиларнинг қобилиятларига, имкониятларига асосланган ҳолда белгиланади. Бундай тартиб хусусий корхоналарда, фермер хўжаликларида маълум даражада қўлланилмоқда. Келажакда меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилашга доимо эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат унумдорлиги даражасининг ошиб бориши юқори самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг зарурий шarti ҳисобланади

Меҳнат унумдорлигини оширишнинг иқтисодий моҳияти маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга кетган меҳнатни камайтириш ёки меҳнат ўзгармагани ҳолда маҳсулотни кўпайтиришдир. Ҳозирги пайтда қишлоқ хўжалигида бевосита ишларнинг 80-90 фоизи қўлда бажарилади ва унинг унумдорлигига салбий таъсир этади. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг халқ хўжалик аҳамияти қуйидагича:

1.У деҳқончилик ва чорвачилик ялпи маҳсулотини кўпайтиришнинг ягона манбаи ҳисобланади ва аҳолини илмий асосланган меъёрлар бўйича озиқ-овқатга бўлган талабини ва саноатнинг хом-ашёга бўлган талабини тўлароқ қондиришни таъминлайди;

2.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланадиган жонли меҳнат харажатларини қисқартиради, иш вақтини тежайди. Меҳнат унумдорлиги қанча юқори бўлса, маҳсулот бирлиги олиш учун шунча кам иш вақти кетади ва қишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимлар сони камаяди. Бўшаган иш кучи бошқа сфераларга йўналтирилади;

3.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши иш кунини, иш ҳафтасини, йилдаги иш соатлари миқдорини қисқартиришга шароит яратади ва бўш вақтни кўпайтиради. Қишлоқ меҳнатчиларига шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини ақлий ва жисмоний ривожлантириш, илмий-техникавий ва бадиий ижодиёт-қондириш учун бўш вақт вужудга келади;

4.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши маҳсулот бирлиги ҳисобига меҳнат ҳақи харажатларини камайтиради. Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати меҳнат ҳақининг ўсиш суръатидан илгарилаб кетса, маҳсулот бирлигига тўғри келган меҳнат ҳақининг абсолют миқдори ва ҳиссаси пасаяди;

5.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши моддий ресурсларда буюмлашган меҳнат харажатларини тежашга ва фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон беради;

6.Меҳнат унумдорлигининг ўсиши, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатларидан самарали фойдаланиб, меҳнат ҳақи харажатларини

қисқартириб ва бир бутун ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларининг рентабеллик даражасини оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши амалиётида меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг бир қанча вариантлари бўлиши мумкин.

1.Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши меҳнат харажатларининг ўсишидан олдинга кетади;

2.Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, меҳнат харажатлари ўзгармасдан қолади;

3.Маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, меҳнат харажатлари пасаяди;

4.Маҳсулот ишлаб чиқариш ўзгармайди, меҳнат харажатлари пасаяди;

5.Маҳсулот ишлаб чиқариш камаяди, меҳнат харажатлари ундан ҳам кўпроқ камаяди.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун қуйидаги омиллардан оқилона фойдаланиш зарур:

1.Сермеҳнат жараёнларни комплекс механизациялаш;

2.Машиналар тизимидан фойдаланиш;

3.Ишлаб чиқариш технологиясини қисқа муддатларда ва сифатли ўтказиш;

4.Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва йириклаштириш;

5.Меҳнат малакасини ошириш;

6.Меҳнат ташкил этишда унинг прогрессив шаклларида фойдаланиш;

7.Ходимларнинг дам олиш, маиший ва меҳнат шароитларини яхшилаш;

8.Иқлим, тупроқ унумдорлигини яхшилаш ва ҳ.к.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат олдида турган иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишнинг асосий омилларидан бири меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама юксалтиришга эришишдан иборатдир.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишда ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ва ишлаб чиқариш муносабатларининг характериға боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш фаолиятининг натижалари мужассамланган.

Фермернинг меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар: 1) моддий-техника характеридаги омилар (техника прогресси, табиат ресурсларининг характери, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш, электрлаштириш, автоматлаштириш ва бошқалар), 2) шахсий омиллар (ходимларнинг ихтисоси, меҳнат жараёнида ходим, 3) ижтимоий меҳнатнинг қандай ташкил қилинганлигини кўрсатувчи омиллар (ихтисослаштириш, кооперациялаштириш, ишлаб чиқаришни комбинациялаштириш, корхоналарда меҳнатни бозор шароитларида шакллантириш), 4) табиий омиллар (об-ҳаво шароити, сув, иссиқлик ҳарорати ва бошқалар) группасига бўлиш мумкин.

Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишда ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба ютуқларини ҳисобга олган ҳолда интенсив ривожлантиришга эришиш асосий роль ўйнайди.

Фермер ишлаб чиқаришнинг фонд ва энергия билан қуролланиш даражасининг орта бориши натижасида маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти тежалади, меҳнат сарфи камайиб, ҳар бош чорвадан олинадиган маҳсулот миқдори, ҳар гектар экин майдонидан олинадиган ҳосил миқдори ортиб оқибатда меҳнат унумдорлиги ошади.

Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш омилларидан бири ишлаб чиқаришни комплекс механизациялашга ўтишни тезлаштириш.

Тупроқ унумдорлигини мунтазам ошира бориш кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сарфланган меҳнат самарадорлигини оширишдир. Ерни мунтазам равишда минерал ва органик ўғит билан ўғитлаш, суғорилиб деҳқончилик қилинадиган экин майдонларини кенгайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашш, юқори ҳосил берадиган экин навлари ҳамда ҳайвон зотларини яратиш ва ишлаб чиқаришда кенг кўламда фойдаланиш, фан-техника ва агротехника талабларига тўла риоя қилган ҳолда ерга ишлов бериш ва бошқа тадбирлар тупроқ унумдорлиги ортишига, ҳосил кўпайишига, маҳсулот сифати яхшиланишига ва оқибатда меҳнат унумдорлиги ортишига олиб келади.

Меҳнат унумдорлигини оширишда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳам муҳим роль ўйнайди.

Меҳнат интизоми бузилган ерда ишлаб чиқаришни юксалтириш мумкин эмас. Меҳнат интизимини мустаҳкамламасдан туриб кунлик иш меъёрларини ўз муддатида бажарилмайди. Фермер хўжаликларини ривожлантириш бўйича ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунларга ўзгартириш киритилиб, ёлланма меҳнатчиларни жалб қилиш ва уларга меҳнат қонунчилиги бўйича ҳақ тўлаш ташкил этилди.

Фермер хўжалигида меҳнат интенсивлигини ошириш катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида фақат жонли ва буюмлашган меҳнатгина тежалиб қолмасдан, сарфланган вақт ҳам қисқаради. Меҳнат интенсивлигининг ўсиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш кўпаяди, ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланилади. Иш кунидан унумли фойдаланишга эришиш меҳнатни илмий асосда меъёрлаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Меҳнатни илмий асосда меъёрлаштириш ва меъёрларни такомиллаштириш фақат меҳнат ресурсларидан тўла ва унумли фойдаланилишига эмас, балки асосий ва айланма фондларидан самарали фойдаланишга имкон яратади.

Фермер хўжалигида меҳнат жараёнларини механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида сарфланаётган меҳнатнинг унумдорлиги ошишини таъминлаш мумкин. Бунинг учун фермерлар ихтиёридаги барча машиналар, тракторларнинг ишга яроқлилигини ошириш ҳамда улардан йил давомида фойдаланишга эришишдан иборат. Фермерларнинг ишлаб чиқариш ресурслари, молиявий ресурслар билан таъминлаш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда кадрларнинг малакасини ва уларни жой-жойига қўйиш иқтисодий сиёсатни оммага тўғри тушунтириш ҳам ижобий роль ўйнайди.

Фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш табиий шароитларга ва фан-техника тараққиёти ютуқларини амалиётга тадбиқ этишга ҳам боғлиқдир.

3. Избоскан туманидаги “Сайфуддин олтин даласи” фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари

Фермер хўжаликларнинг меҳнат ресурсларидан ташқари баъзи ҳолларда фермер хўжалигида (мавсумий ишларда) меҳнат шартномаси асосида четдан жалб қилинганлар меҳнатидан ҳам фойдаланилади, шу жумладан ёлланма ишчилар ҳам.

Фермер хўжаликда меҳнат ресурсларининг шаклланиш ва фойдаланишнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар:

1. Биологик ишлаб чиқариш воситалари, тирик организмлар - тупроқ, ўсимлик, ҳайвонларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш учун ходимлар меҳнати мазмунининг йўналтирилганлиги. Бу қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тирик организмларининг ривожланиши, ўзгаришига, уларнинг табиатини ноорганик элементидан органик моддаларга синтезлашувига боғлиқдир;

2. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлиги табиий, хусусан, ернинг умумдорлиги ва об-ҳаво иқлим шароитларига боғлиқ. Чунки иқлим тез ўзгариб турганлиги учун ўсимлик ва ҳайвонотга қулай шароит яратиш лозимдир;

3. Кўп ходимларнинг бир қанча меҳнат вазифаларини бажариши. Бундай аралашишнинг зарурлиги иш турининг кўплиги ва бажариш муддатининг мавсумийлигидан келиб чиқади. Қишлоқ хўжалиги ходими алоҳида технологик операцияларни бажаришга ихтисослашган тор малакали бўлмаслиги керак. Қишлоқ хўжалик ходими маълум турдаги пировард маҳсулот етиштиришга кенг ихтисослашган бўлиши керак;

4. Ишлаб чиқариш жараёнида ер, моллар ва бошқа ресурсларнинг мустақил эмаслиги. Пировард маҳсулот натижасига иқтисодий жавобгарлигини таъминлаш учун ходимларга умумий ерларни эмас, балки

аниқ далаларни, бутун ҳайвонларни эмас, балки аниқ моллар бош сонини беркитиб қўйиш лозимдир;

5.Мехнат жараёнларининг ўз-ўзини бошқариши. Биологик ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалигида, айниқса оёсимликчиликда биологик жараёнда шароитлар тез-тез ўзгариб туради, шунинг учун бу ерда четдан туриб бошқариш имконияти анча чегараланган;

6.Ходимлар даромадининг оёсимликчиликда ва чорвачиликда пировард иқтисодий натижаларга боғлиқлиги. Бу боғлиқлик меҳнат операцияларини бажариш пайтида ходимдан технологик талабларга риоя қилишда ўзини қаттиқ назорат қилишнинг бевосита шарти бўлиб ҳисобланади;

7.Ходимлар даромадининг фақат ижтимоий хўжаликда эмас, балки шахсий деҳқон хўжалигида ҳам қўлланилиши. Самарали қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши унинг меҳнат ресурслари билан меъёр бўйича таъминлашишига боғлиқ. Иш кучи билан етарлича таъминланмаслиги ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилинмасликка, пировард натижада маҳсулотни етарлича олинмаслигига олиб келади. Меҳнат ресурслари билан меъёрдан юқори даражада таъминланганлик эса иш кучидан камунум фойдаланишга ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқароларни меҳнат ресурслари деб аталади. Уларнинг ҳуқуқий асослари таркиби ҳамда фаолияти Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Меҳнат кодекси»да (04.1996й), «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (05.1998й) қонунда батафсил кўрсатилган. Меҳнат ресурслари 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 55 ёшгача бўлган аёллар ҳисобланади. Шу билан биргаликда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган ўсмирлар ва нафақахўрлар ҳам меҳнат ресурси саналади. Уларнинг таркибида иқтисодий фаол меҳнат қилиш имкониятига эга бўлганлар алоҳида аҳамият қаб этади. Уларни 16-55 ёшгача бўлган аёллар, 60 ёшгача бўлган эркаклар ташкил этади. Улар меҳнат ресурсларининг асосини ташкил этади.

12-жадвалда Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида 1 ходим ҳисобига тўғри келган, олинган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари акс эттирилган.

**Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида
1 ходим ҳисобига тўғри келган, олинган иқтисодий самарадорлик
кўрсаткичлари**

12-жадвал

№	Курсаткичлар	улчов бирлиги	2012	2013	2014	2014 йилда 2012 йилга нисбатан %
1	Меҳнат сарфи	Киши/ соат	936	936	936	100
2	экин майдони	га	1,9	1,8	1,7	87,5
3	ялпи маҳсулот	м.с	4141,4	4552,4	5095,7	123,0
4	фойда	м.с	783,5	1010,1	1006,7	128,5
5	иш ҳақи	м.с	865,6	915,3	1113,2	128,6
6	рентабеллик	%	0,6	0,6	0,5	92,3

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики фермер хўжалигида 2014 йилда 2012 йилга нисбатан бир ходим ҳисобига тўғри келадиган меҳнат сарфи ўзгармаган. 2014 йилда 2012 йилга нисбатан бир ходим ҳисобига тўғри келадиган экин майдони ҳажми камайиб бормоқда, бунинг оқибатида иқтисодий самарадорлик ортиши билан бирга, маҳсулотни сифат кўрсаткичи ҳам ортади.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида 2014 йилда 2012 йилга нисбатан бир ходим ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот миқдори 23 фоизга ортган, фойда эса 28,5фоизга иш ҳақи мос ҳолда 28,6 фоизга кўпайган. Аммо рентабеллик 7,7 фоизга камайиб бормоқда.

Фермер хўжалигида меҳнат ресурслари самарадорлигини оширишда қуйидаги муаммоларга эътибор бериш лозим:

➤ ишсизлик кўп бўлган қишлоқларда бандлик ва иш жойлари масаласини оқилона ҳал қилиш;

- фермерликни ривожлантиришни бўшаб қолаётган кишиларни иш билан банд қилишни режалаштирилган ҳолда амалга ошириш;
- фермер хўжалигида бошқа соҳаларини ривожлантириш, маҳаллий ресурсларга асосланган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш;
- фермер хўжалиги негизида якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантиришга имкониятлар яратиш.

Шу сабабли фермер хўжалигида ривожланган бозор муносабатлари шароитларида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш – рақобат, фойдани тақсимлаш механизми, солиқ сиёсати каби умумхўжалик механизмлари ва дастаклари ёрдамида таъминланиши лозим. Ҳозирги пайтда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни рағбатлантиришнинг умумхўжалик механизмлари яхши такомиллаштирилмаганлигини ҳисобга олиб, меҳнат ресурслари учун илгари жорий қилинган тўловларни қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир. Улар меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва штатдан ташқари ходимлар сонини камайтиришга кўмаклашади. Бу хил тўловлар фермер хўжаликлари томонидан штатдан ташқари сақлаш учун қатъий ставка шаклида ўрнатилади. Шу билан бирга, ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатлар ўрнини қоплаш учун ижтимоий суғурта солинадиган махсус солиқ (иккаласи ҳам – меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан фоизларда)дан фойдаланиш мумкин. Ишчи кучларини такрор ишлаб чиқаришга сарф-харажатнинг кўпчилиги ривожланган мамлакатларда қабул қилинган бундай тизими фондли меҳнатдан фойдаланишнинг интенсив шакллари ифодалайди ҳамда меҳнат бозоридаги ходимнинг ижтимоий жиҳатдан муҳофазаланиши учун зарур кафолатларни яратади.

Хулоса ва таклифлар

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида эришилган рентабеллик оптимал даражадан паст, лекин олиб борилаётган иш суръати шу тарзда амалга оширилса, яқин йиллар ичида рентабеллик даражаси оптимал даражага етади ва фермер хўжалигида кенгайтирилган ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигида харажатлардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Бу соҳада фермер хўжалиги бошлиғининг ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги ҳам алоҳида ўрин тутади. У мавжуд ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор беради ва уни иқтисодий жиҳатдан қаттиқ назорат қилади. Фермер хўжалигини бошлиғи тажрибали деҳқон, лекин фақат ўрта маълумотли бўлганлиги сабабли у бошқа ўз касбини малакали ва тажрибали мутухасисларига муҳтождир.

У фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш жараёнида янги технологиялардан самарали фойдаланишга, ҳамда даромад келтирмайдиган харажатлардан фойдаланишни қисқартиришни ва олинадиган фойдани хажмини кўпайтиришга мунтазам ҳаракат қилади.

Шу билан бир қаторда фермер хўжалиги олдида меҳнат ресурсларидан фойдаланишни янада такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича бир қатор вазифалар мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Хўжаликдаги эришилган иқтисодий самарадорликни мустаҳкамлаш, уни пасайишига йўл қўймаслик, аксинча уни янада ошириш чора-тадбирларини кўриш керак.

2. Хўжаликда мажуд ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида ишлаб чиқаришга янги кам харажатли технологияларни жорий этиш ва уни самарадорлигини ошириш.

3. Фермер хўжалигида хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида фермер хўжалигини кўп тармоқли бақувват хўжалик шаклига айлантириш. Жумладан хўжаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, иссиқхоналарни ташкил этиш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича кенг камровли ишларни олиб бориш зарур.

4. Хўжаликда ходимларни касбий тайёргарликларини ва маълумотини оширишга этиборни кучайтириш лозим. Ундан ташқари хўжаликда банд бўлган ходимларнинг, айниқса ходимларнинг бир-бирига яқин бўлган камида 4-6 та касбий тайёргарликни эгаллашларини таъминлаш талаб қилинади.

5. Хўжалик аъзоларининг нафақат техник-технологик соҳалардаги балки иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам эришиш керак. Бу соҳада жойларда мақсадли ўқишларни ва семинарларни мунтазам ва самарали ташкил этилиши ҳам яхши натижа бериши мумкин.

6. Фермер хўжалигида иложи борича маъмурий фармойиш усулларида камроқ фойдаланиб, иқтисодий усулларни кенг қўлланилишига етарлича шарт-шароитларни яратиш зарур. Бу фермер хўжалигига истиқболда бозор механизми талабларига тўла амал қилишга мустаҳкам замин тайёрлайди.

7. Фермер хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қуйидагиларга эътибор қаратиш лозим.

- фермер хўжалигининг ривожланишини эътиборга олган ҳолда қўшимча иш жойларини ташкил этиш;
- фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштириш ва моддий-техника таъминотини юксалтириш;
- фермер хўжалигига янги техникаларни, самарали технологияларни изчиллик билан татбиқ этиш;
- фермер хўжалигида тадбиркорлик шакллари ривожлантириш;
- меҳнатни ташкил этишнинг самарали турларини ташкил этиш ва ривожлантириш;

- кадрларни тайёрлаш, малакаларини ошириш, уларни моддий, маънавий рағбатлантиришни такомиллаштириш ва бошқалар.

Бизни фикримизча хўжаликни узоқ муддатга белгиланган истиқболли дастурни ишлаб чиқиб юқорида кўрсатилган барча ишларни уни асосида амалга оширилиши яхши самара бериши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
4. Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. (2004 йил 26 августдаги янги нашри) Т. 2004 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонунига шарҳлар. -Тошкент.: “Шарқ”, 2000. -384б.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” ги қонуни. (янги таҳрири) -Тошкент.: “Шарқ”, 1998
7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси. -Тошкент.: “Адолат”, 1996. -256б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташқил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 4478-сонли Фармони. Халқ сўзи. 23.10.2012 й
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташқил этиш тизимини такомиллаштириш бора-сидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2011 йил 5 май.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 декабрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» ги ФП-4058 сонли Фармойиши. Халқ сўзи 2008 йил 29 декабр
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 майдаги ПК-867-сонли қарори. Халқ сўзи, 2008 йил 16 май
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ–3226 сонли Фармони “Қишлоқда ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”. Халқ сўзи 2003 йил 25 март.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 383-сонли қарори. Халқ сўзи. 05. 09. 2003 йил.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрел, “Аҳолининг иш билан бандлигини кенгайтириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрида”ги ПК-616-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 18 (258) сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 6 апрелдаги ПК-616-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси-2007, №4.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2007 йил 24 апрелдаги №106 қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 май 106 – сонли “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 19-20 (259-260) сон

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 май 95 – сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 19-20 (259-260) сон

14. Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш услубияти бўйича ўқув-услубий қўлланма. –Т.: 2007.

15. “Ўзбекистон Республикаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини хўжалик харажатлари ва уларда ахборот технологияларини яратиш харажатларини қоплаш жамғармасини ташкил этиш ва маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисида” Йўриқнома, 2006 йил апрел ойи.

16. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлари тўплами. –Т.: “Адолат”, 2006. - 724б

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2015 йилда

иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” маърузаси, Халқ сўзи 18.01.2015й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, Халқ сўзи 18.01.2014й.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси Халқ сўзи 29.01.2013й.

4. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» Халқ сўзи 28.01.2010 йил.

5. И.А.Каримов. «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби». Халқ сўзи 13.02.2009 йил.

6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”, 2009 й.

7. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон ша-роитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Т Ўзбекистон. 2009 й.

8. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» (Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатни Қўшма мажлисидаги маърузаси.). Тошкент «Ўзбекистон» 2005 йил.

9. И.А.Каримов. Ўзбекистон XX1-аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон. Тошкент - 2000

10. И.А.Каримов Дехкончилик тараккиёти- тукин хаёт манбаи. Тошкент Ўзбекистон 1998 йил.
11. И.А.Каримов «Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод сиёсат-мафкўра» Т.Ўзбекистон 1996 йил
12. И.А.Каримов. «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» Т.Ўзбекистон 1996 йил.
13. И.А.Каримов. «Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида». Тошкент 1995 йил.
14. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент 1995 йил.
15. И.А.Каримов. Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. Ўзбекистон. 1993 йил 269 б.
16. И.А.Каримов. «Ўзбекистон-бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Тошкент. Ўзбекистон. 1993 йил 269 б.
17. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тарққиёт йўли» Т.Ўзбекистон 1992 йил
18. И.А.Каримов. Дехкончилик тараккиёти фаровонлик манбаи. Тошкент. Ўзбекистон 1991 йил.

4. Мавзуга оид меъёрий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 383-сонли қарори. Халқ сўзи. 05. 09. 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрел, “Аҳолининг иш билан бандлигини кенгайтириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрида”ги ПҚ-616-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 18 (258) сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси-2007,№4.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 2007 йил 24 апрелдаги №106 қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 май 106 – сонли “Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 19-20 (259-260) сон

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 май 95 – сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 19-20 (259-260) сон

7. Меҳнат ресурслари балансини тузиш ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш услубияти бўйича ўқув-услубий қўлланма. –Т.: 2007.

8. “Ўзбекистон Республикаси аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини хўжалик харажатлари ва уларда ахборот технологияларини яратиш харажатларини қоплаш жамғармасини ташкил этиш ва маблағларни сарфлаш тартиби тўғрисида” Йўриқнома, 2006 йил апрел ойи.

9. Ўзбекистон Республикасининг имтиёзли пенсия таъминоти ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлари тўплами. –Т.: “Адолат”, 2006. - 724б

5. Асосий адабиётлар.

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. -Т.: Меҳнат, 2009.
2. Абдурахмонов Қ.Х., Холмўминов Ш.Р., Зокирова Н.Қ. Персонални бошқариш Дарслик. -Т.: Меҳнат, 2008.
3. Hakimov R. Agrosanoat majmuasi iqtisodiyoti (Darslik). – Т.: TDIU, 2006
4. А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т. 2010.
5. О'Р.Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – Т.:”Iqtisod-moliya” 2007.
6. А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002 йил.
7. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т. 2004 йил.
8. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Т. 2004 йил.
9. Абдурахмонов Қ.Х., Нарзикулов Н.Р., Бакиева И.А. «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» - (маърузалар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2010-165 бет.
- 10.Н. Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Т., Университет 2005 йил.
- 11.Ходиев Б.Ю., Бекмуродов А.Ш. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Т. «Иқтисодиёт». 2009 й.
- 12.М.Н.Махмудов, З.А.Жумаев, С.А.Сатторов. И.А.Каримовнинг 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент–2012 йил.
13. М.Комилов, У. Гофуров, М.Амонбоев И.А.Каримовнинг «Мустақиллик – Барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир» мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Тошкент–2013 йил

6. Қўшимча адабиётлар.

1. С.Хушматов ва бошқалар. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни бизнес бошқариш ва фаолият юритишнинг иқтисодий асослари. Тошкент-2010 й.

2. Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил

3. З.Ю.Хошимов «Фермер хўжаликларининг муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари. Т. 2004 йил.

4. Abdurahmonov Q.X., Holmo'minov Sh.R., Akbarov A.M. Mehnat iqtisodiyoti va sotsiologiyasi – T.: 2005 б.

5. Холмўминов Ш.Р., Хакимов Х., Боқиева И., Маҳкамбоев А. Мехнат кўрсаткичлари таҳлили. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. -112б.

7. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. О.Шерматов. А.Абдуллаев. Б.Рахмонова Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни барқарор ривожлантиришнинг зарурлиги ва тутган ўрни Кишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш Республика илмий амалий анжуман мақолалар тўплами 2014й

2. А.Абдуллаев, Ф.А.Иномжонова. Б.Рахмонова Аграр соҳани барқарор ривожланишида фермер хўжаликларини тутган урни ва аҳамияти Кишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш Республика илмий амалий анжуман мақолалар тўплами 2014й

3. Б.Носиров, А.Эргашев. Б.Рахмонова Фермер хўжалигида пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари Кишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш Республика илмий амалий анжуман мақолалар тўплами 2014й

4. А.Абдуллаев. Б.Рахмонова Фермер хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг зарурлиги ва тутган ўрни Кишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий-

иктисодий механизмларини такомиллаштириш Республика илмий амалий анжуман мақолалар тўплами 2014й

5. Б.Рахмонова . Талаба Толипов Б. Иктисодиётни модернизациялаш шароитида чорвачилик тармоғига хизмат курсатувчи соҳа самарадорлигини ошириш Қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар етиштиришнинг ташкилий-ҳукукий ва ижтимоий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш Республика илмий амалий анжуман мақолалар тўплами 2014й

6. А.Абдуллаев, О.Шерматов, Б.Рахмонова. Ўзбекистон фермерлари кенгашини ташкил этилиши аграр ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидир Андижон машинасозлик институтидаги конференция материаллари. 2013 й

7. А.Абдуллаев, О.Шерматов. Қишлоқ хўжалигини модернизациялаш шароитида фермер хўжалиги маҳсулоти рақобатдошлигини ошириш омиллари. Иктисодиётни эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигини модернизация қилишнинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон бозор ислохотлари илмий тадқиқот институти. 2013 й

8. Ф.Муминова Иктисодиётни модернизациялаш жараёнида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги нисбатнинг узгариши. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 2. 2013 йил.

9. Т. Ризаев. Сув истемолчилари уюшмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш муаммолари ва ечимлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 2. 2013 йил.

10. Фармонов Ж. Фермер хўжаликларини баркорор ривожлантиришнинг янги имкониятлари. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. №4.2013 йил.

11. Андижон вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда фермерлар кенгашининг 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари, шартномалари ҳамда шу каби бошқа маълумотлари.

12.Избоскан туманидаги Сайфуддин олтин даласи фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.

Интернет манбалари

1. -www.pravo.uz. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик базаси.
2. www.ziyonet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
3. www.lex.uz -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.
4. <http://www.ser.uz> – Социальная защита населения. Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодий тадқиқотлар маркази” нинг “Экономическое обозрение” журналининг электрон манзили. Турли хил социология бобидаги материалларни олишга имкон беради.
5. <http://www.economyfaculty.uz> – “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
6. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари